

ҚОНУНЛАР ҚАЕРДА “ДУНЁГА КЕЛАДИ”?



(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, инклюзив таълим тизимини ҳам чуқурроқ ўрганиш лозимлигига эътибор қаратилди. Хусусан, фракция аъзоси Ирина Токарева бу борадаги ўрганишларига тўхталиб ўтди. Яъни, мактабларда ногиронлиги бўлган болалар билан махсус сертификатга эга бўлган мутахассислар эмас, оддий ўқитувчилар ишлаётгани маълум бўлган. Айрим кўзбўямачиликлар, ногиронлиги бўлган болаларнинг дарсга қатнаши билан боғлиқ муаммолар ҳам Болалар омбудсманининг ҳамиша эътиборида бўлиши зарурлигига урғу берилди.

Болалар омбудсменига кўра, 2024 йилнинг январь ойидан бошлаб, Ижтимоий ҳимоя агентлигининг ҳудудий бошқармаларида ягона психологик-тиббий педагогик комиссиялар шакллантирилди. Айнан уларнинг берган хулосаси асосида болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаси ёки умумий тартибдаги муассасада ўқишига оид масала ҳал қилинди.

“Шу билан бирга, Болалар омбудсмени Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига инклюзив синфлар борасида ўз позициясини билдирган. Тўғри, бугунги бирамчи босқичда инклюзив синфлар сони ошиб бормоқда. Лекин инклюзив таълимнинг сонидан сифатига ўтish жараёни биргалликда олиб борилиши шарт”, — деди Бола ҳуқуқлари бўйича вакил.

Қўйи палата мажлисида бошқа партиялар қатори ХДП фракцияси ҳам ўз позициясини билдирди. Унга кўра, Болалар омбудсмени институту бугунги кунда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2024 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени) тўғрисида”ги қонуни асосида Болалар омбудсманининг давлат ва жамият ҳаётида таъсир чоралари ҳамда имкониятлари ортиб бораётгани маърузада акс этган.

Натижада келиб тушган муурожаатларнинг 84,3 фоизи Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан тўлиқ назоратга олинган. Шунингдек, давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига қўл қўйилгани юзасидан таъсир ҳужжатлари орқали муносабат билдирилиб, 1 та огохлантириш, 6 та хулоса, 6 та суд ҳужжати устидан протестлар келтириш тўғрисидаги илтимосномалар киритилган.

Хисобот даврида Болалар омбудсмени томонидан боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилгани ҳолатларини ўз ташаббусига кўра текшириш билан боғлиқ материаллар асосида Олий Мажлис Сенатига 5 ахборот, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан чора-тадбирлар кўрилиши бўйича Вазирлар Маҳкамасига 6 та, бошқа давлат органларига 981 та сўров киритилган.

Айниқса, Болалар омбудсмени институтининг маҳаллий ҳамда миллий даражадаги сиёсатни ишлаб чиқишда болалар ва ёшларнинг манфаатларига таъсир кўрсатадиган қарорлар қабул қилишда уларнинг фикрини инобатга олиш кўзда тутилган. Бунинг учун амалиёт ҳамда механизми кучайтириш учун 18 та аниқ мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаоллиги алоҳида эътироф этилди.

Бироқ амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, Болалар омбудсмени кейинги фаолиятида эътибор қаратиши лозим бўл-

ган жиҳатлар ҳам бор. Партия фракцияси бу борадаги ўз фикрларини билдирди.

Биринчидан, маъруза сўнггида келтирилган таклифларнинг аксарияти умумий кўринишга эга бўлиб, уни амалга ошириш механизмларини аниқ тарзда белгилаш лозим.

Иккинчидан, хисоботда келтирилган 18 та амалга оширилган мақсад ва вазифалар кўрсатилган таклифлар билан мантиқан мос келмайди.

Учинчидан, уларнинг айримларида ижтимоий аҳамияти жиҳатидан муҳимроқ бўлган мавзуларга урғу қаратиш лозим. Хусусан, фракция болаларнинг инклюзив таълим олиш борасида бузилган ҳуқуқларини таъминлаш масаласини маърузада тавсия этилаётган болалар рақамли саводхонлигини ошириш борасидаги ташаббусларидан муҳимроқ, деб ҳисоблайди.

Тўртинчидан, Олий Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени) тўғрисидаги қонунда белгиланган вазифалар доирасида амалий ишлар, жумладан, аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича сўровномалар ўтказиш, шунингдек, бола ҳуқуқлари амалга оширилиши тўғрисида статистик маълумотлар таҳлилий-танқидий жиҳатдан етарли даражада эмас.

Бешинчидан, фракция фикрича, ҳудудларда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этишда минтақавий вакилларнинг ўрни жуда катта. Маълумотларга кўра, улар жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида жойларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган фикрлар, албатта, тавсиявий характерга эга бўлиб, Болалар омбудсмени институтининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш борасида натижадорлигига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов фракциялар позицияларини тинглар экан, уларда билдирилган таклифларнинг барчаси асосли ва Болалар омбудсманининг келгуси фаолиятида асқо-тишини таъкидлади. Айниқса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг фикрлари, тавсиялари жуда ўринли экани қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, маърузанинг охириги қисмига ўзгартириш ва туза-тишлар киритилиши кераклигига эътибор қаратилди.

“Маърузада қатор таклифлар ўрин олган. Лекин уни ким қилади, қандай қилади, деган саволларга жавоб йўқ. Масалан, стратегия қабул қилиниши айтилган. Бироқ ким қабул қилади, қачон қабул қилинади, нима учун керак бу ҳужжат, деган масалалар бор. Ҳайратанг, барчасининг эгаси ва ижрочисини аниқлаб бериш керак бўлади”, — деди Спикер.

Таклиф ва тавсиялар асосида вакилнинг маърузаси қабул қилинди.

ТАБИЙ БОЙЛИКЛАР ТУГАНМАС ЭМАС

Мажлисида, шунингдек, ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласига оид қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ташаббускорлар биринчи ва иккинчи ўқиш орасидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берган, лойиҳада моддама-модда муносабат билдирилди.

Халқ демократик партияси фракцияси

ийгилишида депутат Зухра Шодиева масала юзасидан фикр билдириб, ўз таклифларини ифода қилган эди. Депутатнинг айтишича, сўнгги йилларда энергия ресурслари каби сув ости ресурслари тақчиллиги юзага келаётгани, шу боис, қонуннинг концептуал қисмида ер ости сувларидан ерларни суғориш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш кескин ошган. Бундан ташқари, қудуқларни рухсатсиз бурғулаш ва назоратсиз, хисобга олмасдан сувдан фойдаланиш ҳолатлари ҳам давом этмоқда. Шунинг учун ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш чораларини кучайтиришга доир меъёрларни аниқлаштириш, такомиллаштириш зарур. Зеро, чексиз ва туганмас бўлмаган табиий бойликларни асраш ва муҳофазалаш шартдир.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

НАМАНГАНДА 4 МИЛЛИАРД, СУРХОНДАРЁДА 18 МИЛЛИОН СЎМ, БУХОРОДА ЭСА ҲИСОБИ ЮРИТИЛМАГАН

Бу нимани англатади? Гап шундаки, сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда бошқа бир шахснинг расми кўрсатилиб, касаллиги айтилиб, ёрдам сўраш авж олди. Тўғри, халқимиз хайрсевар, бироқ бундан фарибгарлар ҳам фойдаланиб қолмоқда. Юқорида кўрсатилган рақамлар эса биргина исм-шариф ёки сохта хайриячилар томонидан ўзлаштириб юборилган маблағлар миқдори.

Хусусан, 2022 йилда “Саховат-Наманган” фонди раҳбарлари шахсий банк карталарида йиғилган 4 миллиард сўм хайрияларни ўзлаштириб юборган. 2023 йилда Бухоро шаҳридаги бир аёл ижтимоий тармоқларда бемор ҳолатда ётган эркакнинг расмини олиб, масжидлар олдида расмдаги шахс оғир аҳволда қолган эри эканини айтиб, пул йиғиб юрган. 2024 йилда Термиз шаҳрида “Эҳсон ҳадялар (Сурхондарё)” телеграмм канали очилган ва унда йиғилган 18 миллион сўм шахсий эҳтиёжлар учун ишлатиб юборилган. Афсуски, бу каби ҳолатлар талайгина.

Шундан келиб чиқиб, қонунчиликка янги тартиб киритилмоқда. Яъни, жисмоний ва юридик шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳомийлик фаолиятини янада рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларини бу жараёнга кенгроқ жалб этишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракциялар йиғилишларида ҳамда палата мажлисида кўриб чиқилди.

Ҳомийлик маблағлари йиғишни қонуний жиҳатдан тартибга солишни назарда тутувчи мазкур лойиҳа 10 га яқин қўшимча ва ўзгартиришларни ўз ичига олган. Масалан, ҳомийлик хайрияларини йиғишда хайрия кутиси ва ҳомийлик ташкилоти тушунчасига оидлики киритилмоқда. Шу билан бирга, бу борадаги ахборотни ошкор этиш ва жараённинг очиқлигини таъминлашга доир меъёр ҳам ўрин олган. Ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартиби, ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ҳам кўрсатилган.

Депутатлар муҳокама жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари йиғишга оид ҳаракатларини тартибга солиш масаласига доир қонун лойиҳасида жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари очиқ қолаётганини таъкидлади. Ваҳоланки, тушунтириш хатида жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликлари мисол қилиб олинган. Шундан келиб чиқиб, жисмо-

ний шахсларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилиши, уларга ҳам муайян жавобгарлик белгиланишига оид меъёрлар келтирилиши лозим.

Ташаббускорларга кўра, жисмоний шахслар кўнгилли сифатида бошқа одамнинг манфаатини кўзлаб фақатгина эълон бериш ҳуқуқига эга бўлади. Яъни, ҳомийлик хайрия оладиган одам ёки унинг яқин қариндоши (оила аъзолари)нинг номига очилган банк ҳисобварақалари ёхуд пластик карта рақами кўрсатилган ҳолдаги маълумотлар тарқатилади. Шунингдек, ҳомийлик ёрдами олувчи жисмоний шахслар хайрия маблағларининг миқдори ва улардан мақсадли фойдалангани тўғрисидаги маълумотларни хайрия берган шахсларнинг талабига асосан тақдим этиши ҳам белгиланмоқда. Яъни, ҳомийлик ёрдамлари олувчиларнинг ҳисобдорлиги юзага келади ва шаффофлик таъминланади. Буларнинг барчаси турли фарибгарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Депутатлар қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

ҚОИДАБУЗАР ҲАЙДОВЧИГА ҲАМ ЖАВОБГАРЛИК, ҲАМ НАЗОРАТ КЕРАК...МИ?

Қўйи палата мажлисида муҳокама қилинган қонун лойиҳасига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига тегишли бўлган меъёрий ҳужжатга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Айти масала Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида ҳам кўриб чиқилган эди. Унда депутат Зухра Шодиева шу мазмундаги савол билан муурожаат қилди.

Гап шундаки, ташаббускорлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш учун қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга оид лойиҳани парламентга киритган. Унда оилавий зўравонлик содир этгани учун МЖТКнинг 592 (прим 2) -моддасига асосан жавобгарликка тортилган ҳамда содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун суд томонидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларни профилактик ҳисобга олинадиган шахслар қаторига киритиш назарда тутилмоқда.

Қайд этилдики, ички ишлар органларида профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш амалиёти самарадорлигини янада ошириш мақсадида хавф даражаси паст бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларнинг қайта-қайта суҳбатга чақирилиши ҳақли эътирозлар ҳамда иш ҳажмининг ошишига олиб келаётганлиги сабабли, замон талаблари асосида профилактик ҳисобга олиш тартибини қайта кўриб чиқиш ҳамда оптималлаштириш зарурати вуҷудга келмоқда.

Зухра Шодиевага кўра, қонунчиликда белгиланган меъёрлар билан бир шахс ҳуқуқбузарлиги сабабли жарима тўлайди, ҳайдовчилик гувоҳномасидан айрилади, транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Гувоҳномага эга бўлиши учун қайта ўқиш эса вақт, маблағ талаб қилади. Шунинг ўзиёқ бир фуқаро ўзини ўзи тарбиялаш учун етарли. Зеро, бугунги кунда қайта ўқиш ва ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишнинг ўзи катта машаққатга айланиб бормоқда. Депутат ҳуқуқбузарни профилактик назоратга олишнинг сабаби билан қизиқди.

Ташаббускорларга кўра, буларнинг ҳеч бири бир инсоннинг ўлимига сабаб бўлиши қадар оғир жавобгарлик эмас. Чунки одамларнинг ҳаётига нуқта қўйишдек аянчли оқибат билан тугаган автохалокат сабабчисининг ҳайдовчилик гувоҳномаси бекор қилинади. Транспорт қоидаларини ана шу тариқа қўпол равишда бузиб, хулоса чиқариш ўрнига ўзбошимчалик билан автомобиль бошқариш ҳолатларининг олдини олиш кўзда тутилган. Ҳар бир профилактика инспектори ўз ҳудудидаги транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар устидан назорат ўрнатса, ҳуқуқбузарликлар жиноятга айланиб кетишининг олди олинади.

ХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимованинг таъкидлашича, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан профилактика чора-тадбирларини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шунга қарамай, бундай ҳолатлар ёшлар орасида тез-тез учрамоқда. Афсуски, уларнинг айримлари қайта-қайта ҳуқуқбузарлик содир этмоқда. Депутат ташаббускорлардан қонунда айнан жиноятларнинг мотивларини, ижтимоий оқибатларини ўрганиш бўйича амалий чора-тадбирларни кучайтириш лозимлигига алоҳида урғу берди.

Қонун ташаббускорлари депутатлар билдирган фикрларни кейинги ўқишларга ўрганиб чиқиши ва тегишли тартибда лойиҳага киритишни қайд этди. Шу тариқа мазкур қонун биринчи ўқишда маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ХДП ФАОЛЛАРИ ХУДУДЛАРДА

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМИ: ИШЧИ ГУРУҲ АНДИЖОНДА ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРДИ

Хабарингиз бор, партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Марказий Кенгаши вакиллари ва маҳаллий Кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳ аҳоли муаммоларини таҳлил қилиш ва уларга самарали ечимлар тақлиф этиш мақсадида вилоятларда ўрганишлар олиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, қаерда амалий иш бўлса, ўша жойда ривожланиш ҳам бўлади. Ишчи гуруҳнинг Андижон вилоятида олиб борган назорат-таҳлил ишларига назар солиб, бунга яна бир бора амин бўлдик.

Депутатлар, партия фаолларининг ху-дудлардаги ҳақиқий ҳолатни жойига чиқиб, бевоcита ўрганиши бу аввало, демократик тамойилларга мос, бугунги ислохотлар талабидир. Замонимизнинг ушбу муҳим талаблари жамиятдаги ислохотлар жараё-нига фақат ва фақат катта ҳисса қўшади. Аввало, халқ билан мулоқот ўрнатиш, улар-нинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш учун муҳим таянч вазифасини ўтайди.

Чунки шахар ва қишлоқларга шунча-ки бориб-келиш йўқ. Ислохотлар ҳақида жамоатчиликнинг нуқтаи назари ўрганила-ди, одамларимизнинг истак ва эҳтиёжлари тизимили ҳамда реал таҳлил асосида кўриб чиқилади. Жўяли хулосаларга келиш, ўткир тақлифлар тайёрлашда бу муҳим, албатта. Андижон вилоятида бўлиб қайтган фаол-ларимиз назорат-таҳлил натижалари, хуло-са ва тақлифларини биз билан бўлишиди.

ВИЛОЯТДА ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ҚАНЧА?

Мақсуда **ВОРИСОВА,**
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари:

– Андижон мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган вилоят ҳисобланади. Сўнгги вақтларда вилоятда катта ўзгаришлар ва янгиланишлар бўй кўрсатяпти, ҳудудлар кундан-кунга ривожланиб борапти. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Маълум бўлишича, бугунги кунда вилоят-да 53 301 та корхона ва ташкилот рўйхатдан ўтган. Шундан фаолият кўрсатаётган ташки-лот ва корхоналар сони 25 163 та, фаолият кўрсатмаётгани эса 28 мингдан ортик. 4294 та ташкилот ва корхона янги ташкил этил-ган, 1750 та ташкилот эса тугатилган.

Шунингдек, иқтисодий фаолият турлари кесимида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2024 йил январь - декабрь ойлари ҳолатига 90 522,1 млрд. сўмни ташкил эт-ган. Иқтисодий фаол аҳоли сони 1429,7 на-фардан иборат. Иқтисодиётда 1329,0 нафар аҳоли банд бўлса, ишсизлар 100,7 нафар ёки ишсизлик даражаси 7,0 фоизни ташкил этади.

Албатта, аҳоли манфаатларига қара-тилган ҳар бир дастур тўлиқ бажарилиши, ажратилган маблағларнинг манзиллилиги-ни таъминлаш керак. Хусусан, олдимизда sanoat, тадбиркорлик, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва ижтимоий соҳалар ривожланишида иштирокчи бўлиш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш каби муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди. Чунки андижонликлар табиатан ишбилармон, бу-нёдкорлик ғоялари билан яшайди.

Тадбиркорлик вилоят аҳлининг қон-қони-да бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган-ини барчамиз яхши биламиз.

Демак, иш бошлаш ниятида юрган одам-ларни қўллаб-қувватласак, уларга ҳуқуқий, молиявий кўмак берсак, вилоятнинг иқтисо-дий саноати янада юксалади, ишлаб чиқа-риш ривожланади, янги иш ўринлари яра-тилади. Бундан электоратимиз ҳам манфаат кўради, деб ўйлайман.

ФАҚАТ МУҲТОЖЛАР УЧУН

Мухсиддин **НИЗОМИДДИНОВ,**
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим
боши:

– Назорат-таҳлил давомида маълум бўл-дики, вилоятда 5 минг 622 нафар чин етим ёки ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар истиқомат қилади. Шундан 3 минг 663 нафари васийликка, 1 минг 861 нафари ҳомийликка, 77 нафари патронатга ҳамда 4 нафари оилавий болалар уйига жойлашти-рилган. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестр”даги нафақа олувчи оилалар сони 195,2 мингта-дан 84,6 мингтага камайган.

Ўтган йилнинг 1 июлидан бошлаб, “Са-ховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилди. Вилоятда 2024 йил июль-декабрь ойлари давомида “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 6 минг 215 нафар фуқарога 7,7 млрд.сўм маблаг ажратилган. Ижтимоий қўллаб қув-ватлаш марказида (собиқ “Саховат” уйи) 91 нафар ҳамда 3 та “Мурувват” уйларида жами 919 нафар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўр-сатилиб келинмоқда.

Ўтган йилда ушбу муассасаларда истиқо-мат қилувчилардан 60 нафарининг ижтимо-ийлашуви ва соғлиғида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги сабабли оилаларига қайтаришга эришилган.

Бундан ташқари, Қўрғонтепа ногиронли-ги бўлган болалар учун “Мурувват” уйида кундузги парваришлаш гуруҳлари ташкил этилган. Ушбу гуруҳларга Қўрғонтепа тум-ани ва унга яқин бўлган қўшни туманлардаги 51 нафар ногиронлиги бўлган болалар жалб қилинган.

Шунингдек, вилоятда 9 та махсус мактаб ва мактаб-интернат (2 та махсус мактаб, 7 та махсус мактаб-интернат) ҳамда 5 та махсус мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

2024 йил февраль ойдан бошлаб “Ин-сон” ижтимоий ҳимоя марказлари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг 41 фоизи ишга жойлаштирилган.

Аммо шунга қарамай, эҳтиёжманд фуқа-роларни қўллаб-қувватлаш борасида вило-ятда эътибор марказидан четда қолаётган бир қатор муаммолар борлигидан кўз юмол-маймиз

Масалан, ўрганишлар давомида маълум бўлдики, Андижон туманида меҳнат даф-тарчаси тўлиқ бўлмаган ёки даромадлари ҳақида маълумот олишнинг иложи йўқ ҳолат-лар бор. Бу фуқароларга пенсия тайинлашда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

**ШУ ЎРИНДА ЯНА БИР
МАСАЛА. БИЛАМИЗКИ,
ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД
ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР ЎЗ
ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИДАН
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ
ЎРҚАЛИ ИШ СТАЖИГА
ЭГА БЎЛИШАДИ. БУНИНГ
УЧУН ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД
ҚИЛАДИГАН ШАХС
СИФАТИДА СОЛИҚ
ИДОРАЛАРИ ЁКИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
МОБИЛЬ ИЛОВАСИДАН
РЎЙХАТДАН ЎТАДИ.
ДАРОМАД СОЛИҒИ ЁКИ
БОШҚА ЙИҒИМЛАР ЙЎҚ.
БИР ЙИЛДА БЎМНИНГ 1
БАРАВАРИ МИҚДОРИДА
ИЖТИМОЙ СОЛИҚ
ТЎЛАШ КИФОЯ. ҲАР
ЙИЛГИ ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ
ЭВАЗИГА ИШ СТАЖИ
1 ЙИЛДАН ҚЎШИЛИБ
БОРАВЕРАДИ.**

Аммо ўрганишлар давомида маълум бўл-дики, айрим фуқароларда бу бўйича ҳуқуқий билимлар етарли эмас. Масалан, йилда бир маротаба бўладиган ижтимоий солиқни бел-гиланган муддатларда тўламаслик ҳолатлари учраб турибди. Бунинг натижасида бир йил-лик стажни ҳисоблашда қатор ноаниқликлар келиб чиқаяпти. Фуқароларнинг кўпчилиги солиқ қонунчилигидан хабардор эмас.

Бундан ташқари, аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларни алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун их-тисослаштирилган таълим муассасалари ва “Мурувват” интернат уйлари мисолида ҳам ўргандик. Бу йўналишда ҳам эътибор мар-казидан четда қолаётган ҳолатлар мавжуд.

Масалан, Хонобод шахрида ногиронлиги бўлган шахсларнинг адаптив спорт тури

билан мунтазам шугулланиши учун иншо-отлар мавжуд бўлса-да, аммо махсус спорт анжомлари, ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мосламалар билан жиҳозланмаган.

ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТ ТЕНГЛИГИ

Баҳодир **КАМОЛОВ,**
ЎзХДП Марказий Кенгаши шўъба
мудри:

– Халқ демократик партияси жамияти-мизда ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш тарафдори. Биз Андижондаги ўрганишларимизда ҳам бу масалага алоҳида эътибор бердик.

Масалан, бу йўналишдаги назорат-таҳ-лил ишларини Марҳамат тумани мисолида ҳам олиб бордик. Бизнингча, II-III гу-руҳ муддатсиз белгиланган ногиронли-ги бўлган шахсларни 2025 йилда қайта кўриқдан ўтказиш керак. Сабаби, II гу-руҳ ногиронлиги муддатсиз белгиланган фуқароларда ҳозирги кунга келиб ёки ҳолати оғирлашиб, бир жойда ётиб қолиш ёки аксинча соғлиги яхшиланган ҳолатлар учрамоқда.

Ҳозир туманда 879 нафар ногиронлиги бўлган болалар бор. Бундай болалар учун махсус мактаб ва боғчага зарурат бор. Инклюзив синфлар эса талабга жавоб бер-майди. Инклюзив синфлар бор мактабларда ўқувчилар тўсиқсиз ҳаракатланиши учун ша-роитларни яхшилаш керак.

Умуман олганда, вилоятда муҳтож оила-лар ва эҳтиёжманд инсонлар билан манзилли ишлашни кучайтириш керак, деб ўйлаймиз.

АНДИЖОНДА КАМБАҒАЛИККА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИЛМОҚДА?

Ҳаммамиз кўриб, билиб, кузатиб туриб-миз, ҳозир ҳудудларда камбағаллик даража-сини қисқартириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, аҳолини касбга ўқитиш тизимини такомил-лаштириш ҳамда муҳтож қатламни манзил-ли қўллаб-қувватлаш умуммиллий ҳаракат сифатида белгиланган. Андижонда ҳам бу борада катта ишлар бошланган.

Энг муҳими, кўмакка муҳтож, ишсизлик ва камбағаллик туфайли қийин шароитда яшаётган қатлам манфаатларини ҳимоя қи-лиш, уларни яхши ҳаётга рағбатлантириш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анвар **НУРМАТОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Одамларга ёппасига кредит бериш ёки пул тарқатиш билан камбағалликни енгиб бўлмаслигини исботлашга ҳоҳат йўқ, албат-та. Аксарият камбағал оилаларда меҳнатга лаёқатли инсонларимиз бор. Улар ишга жойлашса, бу ўз-ўзидан оилалар даромади ошишига йўл очади. Шу тариқа оила кам-бағалликдан чиқади.

Бу йўналишдаги назорат-таҳлил ишлари-ни вилоятнинг барча туманларида олиб бор-дик. Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, ҳудудларда бу борадаги муаммолар етарли. Масалан, Хонобод шахрида фуқаролар-

нинг аввал ишлаган даврларининг ЯММТ (Ягона миллий меҳнат тизими) дастурига тўлиқ киритилмагани кўп ҳолларда улар-нинг меҳнат фаолиятини тўғри ҳисобга олишда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса ишсизликка қарши чоралар кўриш, меҳнат бозорини тартибга солиш ва фуқароларни муносиб иш ўрин-ларига жойлаштириш жараёнида қийинчи-ликлар туғдирияпти.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасала-рида сиртқи шаклда таҳсил олаётган кўплаб талабалар расмий ишга жойлашишда қий-инчиликларга дуч келаётганини айтишди. Бу муаммо нафақат талабаларнинг шахсий ривожланишига, балки меҳнат бозори ва жамиятнинг умумий ижтимоий-иқтисодий та-раққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади.Биз ушбу муаммонинг сабабларини ипидан-игна-сигача ўрганишга қарор қилдик.

Шунингдек, Улуғнор туманида ҳам маҳал-ла ва қишлоқлар мисолида ушбу масалани ўрганиб чиқдик, сайловчилар билан яқиндан суҳбатлашдик.

Маълум бўлишича, 3 ёшгача фарзанди бор оналар учун платформада носозлик-лар мавжуд. Шунингдек, ота чет давлатга ишлашга кетадиган бўлса бола пули автома-тик тарзда тўхтатиб қўйилмоқда. Кўп ташки-лотларда ногиронлиги бўлган шахсларга иш ўрни мослаштирилмаган.

ХЎШ, ФАОЛЛАРИМИЗДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАР БОР?

Мавжуда **ҲАСАНОВА,**
ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма
бошлиғи:

– Назорат-таҳлил давомида ҳар бир маса-лага чуқур кириб боришга ҳаракат қилдик. Соҳа мутахассислари билан суҳбатлашдик, аҳолининг эътирозларини, мурожаатларини ўргандик. Таклифларимизни ҳам шу асосда тайёрладик.

Албатта, ҳар бир таклиф фракциямизда ҳам кўриб чиқилади, асосларидан қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фойда-ланилади.

Таклифларимиз жуда кўп. Улардан ай-римларини келтираман:

- Ҳудудларда бўш турган ерлар жуда кўп. Андижонликлар эса ишбилармон. Агарда аҳолига бўш турган ерлар имтиёз асосида фойдаланишга кўпроқ берилса, ер, жой муаммоси сабаб ғояларини амалга оширолмаётган, ўз ишини йўлга қўя олма-ётган юртдошларимизни қўллаб-қувватла-ган бўламиз.

- Солиқ кодекси (01.01.2020 янги тахрири) 421-моддасида солиқ имтиёзла-ри белгиланган. Унга кўра, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга берила-диган солиқ имтиёзи пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссияси-нинг маълумотномаси асосида берилади. Аммо амалда қонунчиликда белгиланган ушбу солиқ имтиёзи ҳар доим ҳам тўлиқ ишламаяпти. Яъни, ногиронлиги бўлган шахслар бу имтиёздан фойдалана ол-маётган ҳолатлар ҳам бор. Шу маънода, қонунчиликда тушунарли нормага эҳтиёж бор. Бу борада тўғри ва аниқ қоидаларни киритиш лозим.

- Қўрғонтепа тумани мактаб ва мактаб-гача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганганимизда қирғиз ва рус мактаблари учун ўқитувчиларга эҳтиёж борлиги маълум бўлди.

- Барча мактаблар ва МТТлардаги тибби-ёт хоналари биринчи тиббий ёрдам кўрса-тиш учун зарур бўлган 22 турдаги бирламчи дори-дармон воситалари билан туман бюд-жети ҳисобидан бепул таъминланиши керак.

- Шунингдек, тумандаги 14 та умумтаъ-лим мактабига спорт зали қуриш керак. Ту-мандаги “Олтин водий” МФЙ ҳудудидаги 4-, Қорасув шахридаги 53-, “Намуна” МФЙ даги 30-мактабларга қўшимча бинолар зарур. “Тошлоқ” МФЙ ҳудудида 1 та янги мактаб биноси қуриш зарурати бор.

Хуллас, фаолларимиз Андижондан куруқ қўл билан қайтгани йўқ. Халқ билан мулоқот ўрнатилди, сайловчилар билан юзма-юз, дилдан суҳбатлар бўлди. Ўз навбатида муам-молар жойида ўрганилди, эҳтиёжлар ҳақида одамларнинг ўзидан эшитилди. Шунинг учун ҳам тақлифлар аниқ асосга эга. Партиямиз фаоллари, депутатларимиз муаммоларни ҳал этиш учун белни маҳкам боғлашди.

Саҳифани “Ўзбекистон овози”
муҳбири **ЛАЗИЗА ШЕРОВА** тайёрлади.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ: СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ – БУГУНГИ КУН ЗАРУРАТИ



ЮРТИМИЗДА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ, МАЪНАН, РУҲАН ВА ЖИСМОНАН САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ҚАРАЛМОҚДА.

ХУСУСАН, “АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ҲАМ АҲОЛИ ОРАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ, ЖУМЛАДАН, ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ, КУНЛИК ЮРИШ ВА ЮГУРИШНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН МУҲИМ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАР ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН. БОИСИ, САЛОМАТЛИК – НАФАҚАТ БИРОР ХАСТАЛИК ЁКИ ЖИСМОНИЙ НУҚСОНЛАРНИНГ ЙЎҚЛИГИ, БАЛКИ ТЎЛИҚ РУҲИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ХОТИРЖАМЛИК ҲОЛАТИ ҲАМДИР. ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ МАЪЛУМОТЛАРИГА ҚАРАГАНДА, ИНСОН ТАНИ СИҲАТЛИГИ 55 ФОИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА, 17 ФОИЗ ЭКОЛОГИЯГА, 15 ФОИЗ ИРСИЯТ (БИОЛОГИК, НАСЛИЙ)ГА, 10 ФОИЗ ТИББИЁТГА БОҒЛИҚ. ШУНДАЙ ЭКАН, МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН БИРИНЧИ НАВБАТДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА РИОЯ ҚИЛИШ МУҲИМ САНАЛАДИ.

ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КАЛИТИ

Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб кам ҳаракатли ҳаёт тарзи оммавий тус ола бошлади. Техника тараққиёти, турли юмушларни бажарувчи роботларнинг кўпайиши жисмоний куч талаб қиладиган ишларни тобора камайтирмоқда. Қолаверса, онлайн фаолият ва савдо, етказиб бериш турларининг кўпайиши инсонларнинг жисмоний фаоллигини сусайтирмоқда. Ваҳоланки, миллион йиллар олдин эволюция жараёнида инсоннинг асосий машғулоти овчилик, деҳқончилик, ўсимлик ва мевалар йиғиш сингари меҳнат турларидан иборат бўлган. Таъкидлаш жоизки, жисмоний фаоллик соғлом турмуш тарзининг калитларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, организмнинг меъёрий фаолияти унинг руҳияти қай даражадалигига ҳам боғлиқдир. Руҳан соғлом, хотиржам инсоннинг танаси ҳам соғлом бўлади. Руҳий зўриқишлар эса кишиларда гипертония, стенокардия ва миокард инфаркти каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

ТИББИЙ МАДАНИЯТ ЖУДА КЕНГ ТУШУНЧА



Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бу биринчи навбатда ўз соғлиғига бефарқ бўлмаслик. Ҳар бир инсоннинг кунлик фаол ҳаракати. Кўл-юз, тиш ювиш билан бир вақтда эрталабки жисмоний машқ. Соғлом ва тўғри овқатланиш ҳам тиббий маданиятдир. Кучли овқатлар эмас, таркиби, фойдалилиги, танага зарур маҳсулотларга эътибор қаратган ҳолда таомланиш лозим. Бир ибора бор, яъни, “эрталабки нонуштани ўзинг е, тушликни дўстинг билан, кечки овқатни душманингга бер”. Чиндан ҳам нонуштага жиддий эътибор қаратиш керак. Сут маҳсулотлари, тухум, турли бўтқалар билан бир қаторда, мош, оқ, қизил ловия, гуруч каби дукакли неъматлардан истеъмол қилиш фойдалидир. Бундай маҳсулотлардан ота-боболаримиз егани туфайли генларимиз ҳам шунга мослашган.

Афсуски, ҳозирда фаст-фуд, дудлан-

ган егуликлар, ярим тайёр маҳсулотлар, газли ва энергетик ичимликлар оммалашиб кетаяпти. Лекин бу турдаги озик-овқатларнинг салбий томонлари кўп. Кун тартибини белгилаш, ҳафталик, ойлик, йиллик режалар тузиш ҳам тиббий маданиятга қиради. Масалан, бир кунда эрталабдан кечгача нималар қилиш белгиланса, ҳафталик бажарадиган вазифалар келиб чиқади. Хусусан, сочни қандай ва нечи марта ювиш, қандай турмаклаш, юзга, терига оро бериш. Оддий шахсий гигиенадан тортиб, жисмоний фаоллик, соғлом овқатланиш, атрофнинг тозаллигига эътибор қаратиш. Хонадонни саришта туттиш. Уй ҳавосини алмаштириб туриш каби кичик вазифаларга ҳам эътиборли бўлиш мақсадга мувофиқдир. Агар инсон мана шу оддий дейилган нарсаларга эътибор қилса, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлади.

ЮРИШ ВА ЮГУРИШ ҚАРИШНИ СЕКИНЛАШТИРАДИ



Шерзод ОЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги Оммавий спортни ривожлантириш бўлими бошлиғи:

— Пиёда юриш инсоннинг руҳий ва жисмоний соғломлигига катта таъсир қилувчи воситалардан биридир. Юрганда томирлардаги қон айланиши, моддалар алмашинуви, уйку яхшиланади. Организм стрессдан ҳимояланади. Юқори қон босими, қанд миқдорининг баландлиги, ортиқча вазн, бош оғриғи ва бошқа хасталикларга қарши курашда самарали натижа беради. Аввалдан югуриб спорт билан шуғулланганлар шундай ҳаёт тарзини давом эттиравериши керак. Лекин илгари югурмаганлар юргани маъқул. Спортча юриш ҳам бор. Аввал юриб келиб, кейин нонушта қилса, тана ҳар жиҳатдан озикланган бўлади.

Шунингдек, ҳар бир одам ўзининг

танасига кулоқ сола олиши лозим. Иш вақтида, айниқса, ўтириб ишлайдиганлар ўрнидан туриб, озроқ машқлар қилса, турли касалликларнинг олдини олган бўлади. Ёши катталар баъзан уй-қўсизликдан қийналади. Улар кечкурунги овқатдан кейин 2 соат юриб келса, тиниқиб ухлайди.

Юриш ва югуришнинг тафаккур қилиш, фикр юритиш учун ҳам фойдалиги ўз исботини топган. Олимлар баъзан стрессга тушган ёки муаммолар гирдобига қолган одамларга югуришни тавсия қилади. Чунки югуриш мияни рағбатлантиради ва бу пайтда инсон ўзи билмаган ҳолда мияга дам беради.

Кайфиятни кўтариб, янги ғоялар келишини истасангиз ҳам кўпроқ юринг. Шунчаки пиёда юрмай, йўл-йўлакай ишларни битиришга одатлансангиз, жуда қиммат тиббий муолажалардан ҳам қутуласиз.

Қисқа қилиб айтганда, соғлом турмуш тарзи — қатъий кун тартиби, фаол ҳаракат асосида организмни чиниктириш, гигиенага риоя қилиш, спорт билан шуғулланиш, тўғри ва сифатли овқатланиш, турли зарарли одатлардан ўзни тия билишдир. Унутманг, сергайрат одамлар ҳамиша тетик, кексайганларида ҳам бақувват ва шижоатли бўлади.

Таъкидлаш керакки, Давлат дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоя ва мақсадлари билан ҳам-оҳангдир. Масалан, партиянинг сайловолди дастурида кўп қаватли уйларга туташ майдонларда кексаларнинг фаол дам олиши ҳамда жисмоний машқлар учун “Саломатлик боғлари”ни ташкил этиш, соғлом қариш бўйича стратегияни

илгари суриш орқали барча соҳаларда кекса одамларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш каби масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, автомобилларсиз кўчаларни ташкил этиш, пиёдалар ва велосипед учун йўлакларни кўпайтириш чораларини кўриш белгиланган

Чиндан ҳам, юртимизда фуқаролар саломатлигини сақлаш, ҳар бир инсоннинг ҳаёти фаровон бўлишига эришиш, айниқса, кам таъминланган аҳоли қатламларининг турмуш даражасини кўтариш борасида янгидан-янги вазифалар қўйилмоқда. Хусусан, 13 февраль куни Президент раислигида олимпия ва паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда нафақат спорт, балки тўғри овқатланиш ҳам долзарб аҳамиятга эга экани қайд этилди. Бу борада ҳар бир оилани қамраб олиш мақсадида “Соғлом инсон — соғлом миллат” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилиши маълум қилинди.

Миллатнинг саломатлиги ва генфондини яхшилаш, инсонлар онгини ўзгартириш, умуман, ҳаёт сифатини ошириш муҳим эканини англаган ҳолда Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ҳар бир ташкилот, ҳар бир мансабдор, ҳар бир давлат хизматчиси жиддий қиришиши талаб этилади. Чунки ислохотлар жамият тараққиёти, аҳоли фаровонлиги, иқтисодий барқарорликка, яъни, сиз-у бизга хизмат қилади.

Хуршидабону НАЗАРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН

Боёвут туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Облоқул Исанов иштирокида “Депутат билан бир кун” лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳа доирасида депутат мутасаддилар билан биргаликда С.Айний маҳалласидаги “Моҳитоб” кўчасида ташкил қилинаётган соғломлаштириш йўлагига ва тунги ёриткич чироқларининг ўрнатилиш жараёни билан танишди.

Шунингдек, “Ойдин йўл” кўчасидаги электр тармоқларидаги муаммолар ўрганилди. Маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар хонадонларида бўлиб, улар билан мулоқот ўтказилди. Фуқароларнинг муаммо ва тақлифлари тингланди.

Депутат “маҳалла еттилиги” билан учрашиб, ҳудуддаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича иш режасини тузиб олишди.

ТАХИАТОШДА ҲАМ БЕПУЛ ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ХДП томонидан жорий этилган “Саломатлик акцияси” лойиҳаси доирасида Тахиа-тош туман Кенгаши ва халқ депутатлари Тахиа-тош туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари



ташаббус кўрсатди. Унга кўра, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да рўйхатга олинган оилалар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ўтказилган амалий тадбир давомида 30 дан ортиқ фуқаро, шу жумладан, хотин-қизлар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш бўйича шифокорлар томонидан тегишли тавсиялар берилди. Шунингдек, касаллиги аниқланганларга даволашни учун йўлланмалар тақдим этилди.

ХАЛҚ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Юртимизда халқ билан фаол ва очиқ мулоқот олиб боришнинг бош мақсади уларнинг фаровон, бахтли ҳаёт кечирishi учун муносиб шароит яратишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, Олот туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Наргиза Неъматова бошчилигида Халқ қабулхонаси



мудир, “маҳалла еттилиги” иштирокида “Човдур” маҳалласида сайёр қабул ташкил этилди.

Қабулда “Човдур” маҳалласининг 20 нафардан ортиқ фуқароси турли масалалардаги мурожаатлари ва муаммолари билан қатнашди. Аҳоли вакиллари асосан ижтимоий ёрдам, имтиёзли кредитлар, зовурлардан фойдаланиш, уй олиш тартиби ва бошқа масалалар бўйича мурожаат қилди.

Ҳар бир мурожаат рўйхатга олиниб, атрофлича муҳокама этилиши керак бўлган масалалар ижросига тегишли масъуллар бириктирилди.

УЙДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ШАРОИТЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Пискент туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Д.Комилова уйда таълим олаётган ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун яратилган шароитларни ўрганиб чиқди.



— Туман бўйича жами 41 нафар бола уйда таълим олади, — дейди депутат. — Уйда тахсил олаётган ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, таълим олиш жараёни билан бирга уларнинг оилавий шароитларини ҳам ўрганимиз. Назорат-таҳлил давомида маълум бўлдики, М.Обиджоновна оёқ ва қўллари синганлиги сабабли ҳозирги кунда юра олмайди. Бу ўқувчиға туман ижтимоий бўлими томонидан ёрдам кўрсатилмаган, оила ҳам моддий ёрдамга муҳтож. А.Убайдуллаев оёғи сингани сабаб юролмайди. Маҳалла ва туман ижтимоий бўлими томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаган. Ногиронлик гуруҳига чиқарилмаган.

Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳимиз туман ижтимоий бўлим ходимларига мурожаат қилди ва масала назоратга олинди.

**ЎХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати**

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ ФАСЛИ ЭШИК ҚОҚМОҚДА



ШУҚР, КЎКЛАМГА ЕТДИК. ЭШИК ТАҚИЛАЯПТИ, БАҲОР КИРМОҚЛИККА ИЗН СЎРАМОҚДА. БИР НЕЧА КУН ҚОЛГАНИДАН ДАРАҚ БЕРИБ, ҚУЁШНИНГ ИЛК ТАФТИ БИЛАН БИЗНИ СЙЛАГАН ИЛИҚЛИК КЕЧА ТОНГДА ОХИРГИ БОР ЭТЛАРНИ СЕСКАНТИРУВЧИ ОҚИМГА БИРОЗ БЎЛСА-ДА ЎРНИНИ БЎШАТИБ БЕРДИ. АММО КЎНГИЛЛАР БЎШ КЕЛМАДИ, УЛАРДА ҲАМОН БАҲОР ТАФТИ ҲУҚМОН. БУ ЯШАРИШГА, ЯНГИЛАНИШГА БЎЛГАН ИШТИЁҚНИ, ГЎЗАЛИККА ОШУФТА ЮРАКЛАР ОЛОВИНИ СУСАЙТИРГАНИЧА ЙЎҚ. ЯНГИ УМИДЛАР БИЛАН БАҲОР БОШЛАНМОҚДА, ТАБИАТ УЙҒОНМОҚДА.

Президентимизнинг “2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорининг эълон қилиниши ҳам баҳорга ошuftа ҳаётимизни янгидан-янги умидларга буркади, янгиланиш, янада яхши ўзгаришларга ишонч қалбларимизни макон тутди.

Табиат мусаввири сеҳрли мўйқалами билан фақат атроф ҳуснини беэмайдиди, балки ҳаётимизга ҳам, ёнимиздагилар билан муносабатларимизга ҳам ўзгача илқилик олиб қиради, Баҳор келмоқда, қўл ушлашиб келадиган байрамлар яқин. Қадриятлар қадри юксаладиган, меҳр-мурувват юракларни забт этадиган, саховат, эзгуликдан диллар яйрай-диган онлар яқин. Инсонийлик турмушимизни беэайдиган, муҳтожларга қўл узатадиган, эътиборимизга муҳтож инсонларнинг шодлигидан қувонадиган кунлар яқин...

Бизда баҳор Сурхондарёдан бошланади. Ўзбекистонимизнинг бу ҳудуди иссиқ иқлим-ли воҳа ҳисобланади. Шимолдан жанубга қияланиб ва кенгайиб борадиган ҳудуд. Гўшанинг табиати бетакрор ва фусункор. Қиш фасли илиқ бўлса, ёз иссиқлиги билан ажралиб туради. Термизда баҳор февралнинг дастлабки ўн кўнлигида кузатилса, ёз май ойининг охирида бошланади. Куз – сентябрда нишона берса, қиш – декабрнинг иккинчи ярмидан кейин сезилади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Воҳада баҳорнинг илиқ нафаси кеза бошлаганига ярим ойдан ошди. Жойларда фасл даракчиси – бодом гуллаган. Дов-дарахтлардаги бодроқдек-бодроқдек куртақлар қишнинг қаҳрини енгиб баҳорий либосга бурканишга ошиқмоқда. Қир, адир ва ёлғизоёқ йўл четларида бойчечакларга кўзингиз тушади. Ариқлар бўйларидаги мажнунтоллар оҳиста солла-нади. Ним яшил товланаётган қоқиўтларга кўзингиз тушади. Оқ тераг-у қўқ тераклар барг ёза бошлаганини англайсиз. Майин насимлардан дил яйрайди. Олис-олислардан қўй-қўзиларнинг овози келади.

Бир сўз билан айтганда, йилбоши қалбларни бир олам ҳисларга чўлгаб, ўзининг тотли ифторлари билан борлиқни гўзалликка чоғлагандек. Бу эса янгиланиш, яшариш ва яшатиш фаслини интиқлик билан кутган дилларга бир олам қувонч бахш этаётгани табиий.

Нуроний отахон-у онахонларимиз ялпиз, исмалюк барглари янги юз-қўзларига суриб, яна бир кўкламга - тириклик баҳорига етганига шукроналик келтирмоқда. Даласига йўл олган уста бодобехқон-у миришкор бобдон нигоҳида ўзгача шижоат уфурган. Озод юрт дилбандларининг юз-қўзида бунёдкорлик ва яратувчанлиқни кўриш мумкин.

– Баҳор – байрамларга бойлиги билан ажралиб туради, – дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Шахло Қодирова. – Жанубга дастлаб интиқлик ва орзқиб кутилган уйғониш айёми ташриф буюрса, ундан кейин Халқаро хотин-қизлар шодиёнаси, сўнгра Наврўзи олам шукўчи кенг тантана қилинади. Дилларга ҳаётбахш наволарни чорлаб, юзларга мунавварлик нурларини зоҳир этган кўкламоимнинг қувонч-у шодликлари йил давомида элдошларимизни тарқ этмасин.

Аслида, она табиат сир-синоатга лим-лим. Мўъжиза ва тилсимлар мужассам унда. Бетакрор ажойиботлардан ҳузурлан-сангиз, ғаройиб гўзалликлар мафтун этиши табиий.

– Борлиқдаги ўзгаришлар Сурхондан бошланади, – дейди “Юқори Тўпаланг” миллий табиат боғи илмий ходими Шерзод Ҳороқов. – Бодом ҳам дастлаб шу ерда гулла-йди. Анъана давом этган ҳолда Янги йилнинг илк кўни денгиз сатҳидан 4 минг 100 метр баландда жойлашган “Зевар” массивида ёввойи бодом “юз очганига” гувоҳ бўлди.

Мўъжизани қарангки, эртасига азим ва пурвиқор тоғларга қалин қор тушди. Шундай қилиб, икки дарё оралиғида жойлашган муқаддас заминда бир вақтнинг ўзида ҳам қиш завқини ҳис қилдик, ҳам баҳор тафтини туйдик.

Маълумки, мўътадил ва иссиқ иқлимли Сурхондарёда йилнинг тўрт фаслида ҳам деҳқончилик қилиш мумкин. Томорқа ва иссиқхоналарда апельсин, мандарин, банан каби цитрус мевалар билан бир қаторда, қўлпнай, папайя, стивея, патиссон каби ноёб неъматлар кўпайтирилмоқда.

– Ҳақиқатан ҳам ер хазина ва даромад манбаи экан, – дейди Олтинсой туманининг “Икраз” маҳалласида истиқомат қилувчи Шахноза Сафоева. – Ундан омилкорлик билан фойдаланган кишининг кўнгли хотиржам, рўзғори обод, турмуши фаровон бўлиши табиий. Буни оиламиз мисолида ҳам кўраялман.

...Яқин-яқингача ишсиз эдим, денг. Ўн беш сотихли томорқадан унумли фойдала-нилмаган. 2023 йилда қўлпнай етиштирмоқ-чи бўлдик. Молия муассасаси томонидан 30 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Тўрт сотихли иссиқхона барпо қилингандан кейин ниҳол эқдик. Томчилатиб суғоришни йўлга қўйганмиз.

Меҳнатга яраша манфаат кўраялмиз. Ўтган йили 30 миллион сўм фойда олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 45-50 миллион бўлиши кўзда тутилмоқда. Декабрь



ойининг биринчи ярмида ҳосил нишона бера бошлаганди. Аввалига қўни-қўшига улашган бўлсак, ҳозир бозорга чиқараялмиз. Ҳафтада 2-3 марта терилади. Килоси 80-100 минг сўмдан сотилаяпти...

Сурхондарё шароитида қўлпнай очик майдонларда экилади. Эртапишар ўсимлик апрель-май ойларида терилса, йиллик қўчатлар ноябрғача ҳосил бериши кўпчилик-ка маълум. Қаловини топиб, қиш адоғи ва баҳор бошланишида она-заминдан бойлик ундирган деҳқонга қойил қолмаслиқнинг иложи йўқ.

– Нега пушта юзасига “клёнка” тўшалган, – савол бераман онахонга.

– Эътибор берган бўлсангиз, иссиқхона “термос” усулида қурилган. Бу ҳарорат меъёрида бўлишини таъминлайди. Бегона ўтдан асраш билан бир қаторда, сув исрофгарчи-лигининг олдини олишда ҳам айна мударо

бўлмоқда.

– Суғориш ишларида нималарга эътибор бериш керак?

– Томчилатиб суғориш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, ҳосилга зарар етмаса, иккинчи-дан, зараркунандалар дахл қилолмайди. Энг муҳими, ҳосилдорлик ортади.

– Қишда пишган қўлпнайни кўпчилик кўрмаган. Иссиқхонадаги маҳсулот худди баҳор ва ёздагидек ширин. Мевалари йирик, қип-қизил...

– Ҳозир бир теримда 4-5 кило ҳосил оли-наётган бўлса, келажакда 40-50 килога ета-ди. Асосий мақсад, халқимиз дастурхонини хуштаъм ва витаминга бой маҳсулот билан тўлдиришдир.

Бундай эзгу ташаббусларни ҳар қадамда кўриш мумкин. Хайрли амаллар қишлоғ-у овулларда давом этаётгани қувонарли. Ким-дир баҳорги кўкатларни саралаётган бўлса, бошқа бир юртдошимиз эртаки картошка учун пушта ҳозирламоқда. Яратувчанлик ва бунёдкорликлар авж паллада.

Халқимиз азалдан баҳорга покизалик ва саранжом-сарийшлик билан пешвоз чиққан. Ариқ-зовурлар тозаланиб, дарахтлар оқлан-ган. Мевали ва манзарали дарахтлар экишга алоҳида эътибор қаратилган.

– Сурхоннинг азим ва пурвиқор тоғлари асрлардан дарак беради, – дейди академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Сурхондарё илмий таж-риба станцияси илмий ходими Неъматулло Астанақулов. – Бетакрор ҳайвонот олами

ажойиб кўркамлик, бетакрор фусункорлик ва алланечук ифторлар кўнгилларга ҳузур бахш этиши табиий. Шунинг учун доим одамлар билан гавжум. Хорижлик сайёҳ ва туристлар тез-тез ташриф буюради.

– Меҳр-мурувват ва инсонпарварлик туйғуларини мужассам этган айём замири-да халқимизнинг маънавий дунёси, турмуш тарзи, орзу-умидлари, гўзалликка бўлган муносабатлари мужассам, – дейди Узун ту-манининг “Гулистон” маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Носиржон Бердиев. – Узоқ қишдан сўнг кўкда қуёшнинг юз кўрсатиши, қирда майса-гиёҳларнинг ниш уриб чиққани ажойиб шодиёнага айланган. Чўнки, ғал-ла ва озиқ-овқат тугайдиган палла – айна илиқузда пайтларда она табиатнинг ўзи инсонга меҳр-мурувват кўрсатиб, ёруғ кун-лардан дарак бергани кўнгилларга ҳузур ва шодумонлик бахш этиши табиий. Эртанги кун ва келажакка бўлган ишончни ошириши шубҳасиз.

– Йилбошининг ўз фазилати, ўз тарова-ти, ўз ҳислати ва ўз хусусияти бор, – дейди Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши раи-си, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши котибият мудири Ботиржон Ражабов. – Яра-тувчанлик ва яшнатувчанлик мужассам унда. Миллий қадрият, урф-одат ва анъ-аналаримиз йўғрилганини кўриш мумкин. Ота-боболаримиз, буви-ю момоларимиз байрамни кенг нишонлаб, турли тадбирлар ўтказишган. Ранг-баранг маросимлар уюшти-рилган. Деҳқонлар ерга қўш солган. Дала-ларда экин-тикин ишлари бошланиб кетган. Жамоа-жамоа бўлиб, ҳашарлар уюштирил-ган, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг авж олган. Бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик ва яратувчанлик баҳордан бошланган.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одати ва анъанаси бор. Ўлмас қадриятлар миллат ва элатларнинг ахлоқ-одоби ва одамийлигини ифода этиши табиий. Сумалак пишириш ҳам маънавиятимизнинг ажралмас қисми ҳисоб-ланади. Хуштаъм неъмат аслида баҳорда тайёрланса-да, кўкламоимни соғинганлар бунга эртароқ тадорик кўришган.

– Мазали ва бетакрор таомда бир қанча дармондорилар бор, – дейди Денов туман-ининг “Чўнтош” маҳалласида истиқомат қилувчи Майсара Бўронова. – Инсонга қув-ват бахш этадиган хусусиятга эга. Мана, 10 йилдирки, биринчилардан бўлиб сумалак тайёрлаймиз. Анъанани давом эттирган ҳол-да уч-тўрт кун олдин қайвони момоларимиз яхши ният билан ўстирган бўғдой майсалари дошқозонларни сумалакка, қалбларни меҳр-оқибатга тўлдирди. Муқаддас ва ши-фобахш таом баҳона олис-у яқин қариндош, қўни-қўшни, маҳалла-қўй жамулжам бўлиб дийдорлашдик. Яхши ниятлар қилиб, эзгу тилаклар билдирилди.

Жонажон диёримизда янги кунлар бош-ланмоқда. Ўзига хос фараҳбахш тонглари кутаялмиз. Оппоқ орзуларга лиммо-лим дамлар бизни энг улуг ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 34 йиллигига яқин-лаштираётгани кўнгилларни ифтихорга тўл-дириши шубҳасиз.

Аслида, ободлик кўнгилдан бошлана-ди, дейдилар. Саранжом-сарийшта жойда эса меҳр-оқибат ва файз-барака бўлиши табиий. Шундай экан, юрт жанубидан бошланган кўклам наволари “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида ҳам халқимизга тинчлик-хотиржамлик, ризқ-рўз, қут-барака ва тўқис фаровонлик олиб келсин!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ОИЛАВИЙ АЖРИМ: «ОҒРИҚЛИ РАҚАМЛАР» ОРТИДАГИ АЙРО ТАҚДИРЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

ОИЛАВИЙ АЖРИМ... БУ МАСАЛА КЕЧАНИНГ ЁКИ БУГУННИНГ ГАПИ ЭМАС. БУ ҲАҚИДА ҲАР ДОИМ ГАПИРИЛАДИ, КЎП ВА ХЎП ЁЗИЛАДИ, БАҲСЛАРНИНГ КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИШАДИ. АММО ШУНГА ҚАРАМАЙ, БУЮК ҚЎРҒОНГА ДАХЛ ҚИЛАЁТГАН ҲОЛАТЛАР КАМАЙМАЯПТИ. БУ ЖУДА ОҒИР МАВЗУ, ЖАМИЯТНИНГ ОҒРИҚЛИ НУҚТАСИ. ШУНИНГ УЧУН У ҚАЙТА-ҚАЙТА КЎТАРИЛАВЕРАДИ, ТАҲЛИЛ ЭТИЛАДИ. КЎНГИЛ ОҒРИҚЛАРИ, АЗОВБЛАНГАН РУҲИЯТ, МЕҲРГА, ЭЪТИБОРГА ЗОР БИТТА ҲАМ ҚАЛБ ҚОЛМАГУНЧА, БУ ҲАҚИДА ЁЗИШГА ЗАРУРАТ ТУГИЛАВЕРАДИ...

Тўғри, жар ёқасига келиб қолган оила-ларни сақлаб қолиш, болаларни тирик етим қилмасликка катта эътибор қаратилмоқда. Маҳалла фаоллари, диний уламолар, маънавият ва маърифат тарғиботида дахлдор ташкилотлар ва кенг жамоатчилик сайё-ҳа-ракатларига қарамай, афсуски, юракни ачиштирадиган ушбу “оғриқлар рақами” ўсиб бормоқда.

Хўш, ажралишга нималар сабаб бўл-моқда? Айрим қаҳрамонлар ҳаёти мисолида, мутахассислар, тарғиботчиларнинг фикр-му-лоҳазалари асосида масаланинг туб илдизи-га эътибор қаратишга ҳаракат қиламиз.

Аввало, маиший келишмовчиликлар ор-тидаги айро тақдирларнинг кечинмаларига қулоқ тутамиз:

«ҚАЙНОНАМ БИЛАН КЕЛИША ОЛМАДИМ...»

– Мен дастлаб институтга топширдим, аммо ўқишга кира олмадим. Кейин 19 ёшимда қўшни туманга турмушга узатиш-ди. Аммо қайнонам билан чиқиша олмадим, кўзимни очирмасди. Қилган ишларимдан фақат камчилик топар, ҳар кунни жанжал эди. Совутгични қўлфлаб қўйиб, ота-онамни кўргани 3 ойда зўрга жўнатарди. Уша уйда ўтган ҳар кунимда “қайнонам нима деркин, ҳозир янада урушиб берадим”, деган ҳадик билан яшадим. Кейин билсам, қайнонам ўзининг қариндошини келин қилиш ниятида бўлган, аммо турмуш ўртоғим қариндошдан уйланмайман, деб бунга кўнмаган экан. Икки йил келишмовчиликлар билан яшадим, аммо қизим 3 ойлик чақалоқ эди, ота уйимга қай-тидим. Эшитишимча, ҳозир қизимнинг отаси ўша қариндошига уйлانган экан, – дейди самарқандлик Гулҳаё Каримова.

Афсуски, бундай воқеалар кам эмас. Қай-нонанинг аралашуви билан оиласи бўзилган Гулҳаё сингари аёллар кўпчиликини ташкил қилади. Ҳар кадамда улар ҳақида, қайно-на-келин можаролари ҳақида эшитамиз. Энди чуқур мулоҳаза қилиб кўрайлик, яхши ният билан оила курган икки ёшнинг бахтли бўлишидан, фарзандларнинг тирик етим қолмаслигидан кўра, қайноналик амбиция-лари шунчалик муҳими?

“ТУРМУШ ЎРТОҒИМНИНГ ЯНА БИР ОИЛАСИ БОР ЭКАН...”

– Ота-онамнинг қистови билан турмушга чиқдим. Ўқимокчи эдим, аммо отам бир дў-стининг ўғлига узатди. Аввалида яхши яша-дик. Чунки бозор-ўчарни қайнотам қиларди, шунинг учун бўлса керак, рўзғордаги кам-у-кўстлар билинмаган.

Турмуш ўртоғимнинг топган маошини ҳеч қўрмасдим. Аммо ерталаб ишга кетиб, кеч тушганда кириб келарди. Рўзғорга қар-ашаяпти, қайнотамга ёрдам берапти-да, деб ўйлардим. Бу орада кетма-кет қиз фарзанд-ли бўлди. Эрим сабасиз жанжал чиқариш-ни бошлади, бир неча мартаба менга қўл кўтарди. Ҳаттоки, жанжалдан сўнг уйдан чиқиб кетиб, туни билан йдга келмаган хо-латлар ҳам бўлаверди. Кейин билсам, у яна бир аёлга уйлانган, уларнинг ўғиллари ҳам бор экан. Оиламиз бузилишининг сабаби шунда эди.

Мен ҳаммасига кўндим, эътиборсизликка ҳам, таҳқирлашга ҳам, қўл кўтаришларга ҳам. Аммо бунга чидалмадим.

Ҳозир туманимиз марказида ижарада икки қизим билан яшайман. Бозорда савдо қиламан, қизларим ёрдам беради. Бир хона-лик бўлса-да, уй олсак, кейин қизларимнинг яхши жойларда ўқиши учун ҳаракат қила-ман, – дейди Малика Давронова.

Ажрашишлар сабаблари жуда кўп, соат-лаб гапириш мумкин. Арзимаган бахоналар бор, оилага тайёр эмаслик, кимнингдир гул-дай қизининг тақдири билан ҳазиллашиб, бошқа оила қуриб яшаш, учинчи шахс ара-лашувлари...

Тўғри, атрофга қараб, бундай воқеаларни кузатиб, гувоҳи бўлиб, юрагимиз ачишади, дил хиралашади. Энди тасаввур қилайлик, ҳар битта ажрим ортида қанчадан-қанча руҳий зўриқишлар бор, ноҳақликлардан қуй-ган қанча кўнгиллар бор? Маликага ўхшаган ночорлик ва йўқсилликдан қийналиб, уй олиш дардида юрган, қизининг олий маълу-мотли бўлиши учун яна йиллар давомида аёл боши билан ўзини ўққа-чўққа уришга тайёр инсонлар бор?

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2024 йилнинг дастлабки 6 ойида 22467 та ои-лавий ажрим қайд этилди. Бу оилалардаги минг-минглаб болалар ота-онасиз, уларнинг меҳрисиз ашаяпти дегани.

Халқаро миқёсдаги статистикани ўрган-



ганимизда муҳим бир маълумотга кўзимиз тушди. Унга кўра, ажрашган ҳар бешинчи аёл қашшоқликка тушади, ҳар учинчи аёл эса уй-жойсиз қолади. Эркакларнинг эса турмуш даражаси 10–40 фоизга пасайиб кетади. Шу тариқа муаммо ортидан муаммо юзага келаверади. Шунинг учун ажрашиш ёқими ҳолат эмас, унинг оила учун ҳам, жамият учун ҳам зарарлари кўп. Чунки бу ҳолат камбағаллик ўсиши, ижтимоий ҳимоя-га муҳтож, ёрдамга эҳтиёжи бор инсонлар кўпайишига олиб келади.

Тўғри, бу статистика ким учундир, шун-чаки, ўсиб бораётган рақамлар бўлиши мум-кин, аммо бу жуда катта фожиа.

КИМ АЙБДОР?

Яқинда ижтимоий тармоқларда “Оилавий ажримларга асосий сабаб нима, деб ўй-лайсиз?” саволи билан кичик сўровномада ўтказилди. Маълум бўлишича, сўровнома-да иштирок этган аксарият қатнашчилар урф-одатлар, қайнонанинг келинга солиқ солиши, куёвнинг эса келин томондан мулк таъма қилиши, келинларнинг ота уйига “гап ташиши”, телефон ва ижтимоий тармоқлар, ёшларнинг на фикрлаш, на пул топиш бора-сида мустақил эмаслиги, йигитларнинг ўз сў-зини ўтказишга ҳаракат қилиши, қизларнинг эса «хўп»дан йироқлиги, диний билимдан беҳабарлик, ўзаро ҳурмат тушунчасининг йўқолиши, бесабрлик, айбини тан олмаслик кабиларни санаб ўтмишди.

Оила ва хотин-қизлар кўмитасига кўра, ажримларнинг асосий қисми эр-хотиннинг оилага тайёр эмаслиги, учинчи шахс ара-лашуви, узок вақт бирга яшамаслик, молиявий қийинчиликлар, хиёнат, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик, фарзандсизлик сабаб юз бермоқда.

Тўғри, турмуш бир текис кечмайди. Ҳам-ма оилаларда ҳам қийинчилик, ўзига яраша ташвишли кунлар, баланд-паст гаплар бўла-ди. Аммо энг осон йўл ажрим бўлиб қолмас-лиги керак, деб ўйлаймиз.

КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?

– Оила жамиятимизнинг муҳим ўзаги ҳи-собланади. Оила тинч ва бахтли бўлса, юрт фаровон бўлади. Бироқ, орамизда арзимаган бахоналар сабаб ажримларга йўл қўяётган хонадонлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг баъзилар-ида ўта арзимас, айтишга, баҳона қилишга тилинг бормайдиган важлар эканлиги ғоят ачинарли ҳолат, – дейди **ЎЗМУ социология кафедраси мудири, доцент Элёр Зоитов**. – Биз ажримлар сабабларини ўрганиб чиқдик. Аввало, психологик жиҳатдан қўриб чиқдик. Оилаларнинг бузилишига, доимий низоларнинг келиб чиқишига оила аъзола-рининг эр-хотин муносабатларига доимий аралашуви, эр ва хотин ўртасида ҳурматнинг йўқлиги асосий сабаблардан бири бўлиб келмоқда.

Шунингдек, маънавий-ахлоқий тарби-янинг сустлиги, хиёнат, аёлга нисбатан зўравонлик, унга ҳаддан ортиқ юмушлар ва мажбуриятларнинг юкланиши ҳам оила буз-лишига йўл очмоқда.

Бундан ташқари, бунга оиланинг моддий ҳолати, етишмовчиликлар, эркакнинг ма-сьюлянтсизлиги, рўзғорга бефарқлиги, уй-жой шароитининг қониқарсизлиги, меҳнат миграцияси ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Оила дарз кетишининг охириги сабабларидан бири бу соғлиқ ва ногиронлик билан боғлиқ бўлган муаммолар ва бефарзандликдир.

Шу ўринда яна бир фикр. Ажрим сабаб-лари ҳар бир ҳудудда турлича бўлади. Шу-нинг учун фоиз даражасида ҳам статистика кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилади. Аммо мамлакатимиз бўйича умумий ҳисобда таҳлил қилганда, 50 фоиздан ортиқ ажрим-лар оиладаги доимий низолар ортидан келиб чиқмоқда.

ФАРЗАНД ТАҚДИРИ-ЧИ?

Ажрим – бу оилалар учун ҳам, жамият учун ҳам қўл силтайдиган ҳолат эмас, бунга жиддий кўз билан қараш керак. Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбари ажримлар ма-саласида шундай фикрни таъкидлаган эди: «Авваллари бирор оила ажрашса, маҳаллада дув-дув гап бўларди, бутун маҳалла оёққа турарди. Ажрим — бу катта фожиа. Албатта, барчамизнинг истагимиз, тилгимиз битта:

қани энди, юртимизда ажрим деган нохуш ҳолатнинг ўзи бўлмаса... Оилалар пароканда, болалар тирик етим бўлиб, сарсон-саргар-дон бўлмаса... Мен бир фикрни қайта-қайта айтишдан қарчамайман. Оила — бу меҳр ва бахт кўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний қадр-қиммат ва маънавият бор».

Ҳақиқатан ҳам, битта ажрим бу жамият-да битта кемтик юзага келди, дегани. Бир мурғак қалб ота ё онасиз, уларнинг меҳри ва қўллаб-қувватловисиз вояга етади, дегани. Жамиятнинг оғриқли нуқтаси аслида ана шу ерда. Чунки биргина бола тақдири миллат келажагига дахлдор бўлган долзарб масала-дир. Тўғилиб-туғилмай тирик етим қолаёт-ган болалар, уларнинг тақдири, руҳиятидаги ўзгаришлар, болалар жинояти бугунги кунда “оёғимиздан чалаётган” ҳолатларнинг энг кўрқинчлсидир. Бугун атрофга қарасак, ана шундай синиқ хотиралар билан яшаётган эзолаб, минглаб болалар топилади, – дейди **Элёр Зоитов**.

– Ота ёки онасиз ўсган фарзанднинг ҳар жиҳатдан баркамол улғайишига ҳам қафолат йўқки, бунинг салбий оқибатларини, кўплаб ҳуқуқбузар ва жиноятчилар одатда ажраш-ган оилалардан етишиб чиққанини кундалик ҳаётда кўриб, кузатиб турибмиз, – дейди психолог Дилдора Каримова. Ёки тақдири онасиникига ўхшашидан қўрққан, “турмуш ўртоғим мени тушунмаса-чи, болаларим ота-сизлик азобини тортса-чи”, деб ҳадиксираб, оила қурмаётган қизлар ҳам бор. Буни ҳаёт-да кўп кузатганман.

Амалиётда кўп гувоҳи бўламиз, ота-онаси ажрашган вақтда болалар ўзини бошқалар-дан четга олади, тез йиғлаб юборадиган ёки жиззаки бўлиб қолишади. Оилавий низола-рни кўриб катта бўлган боланинг ҳиссиёти, ҳатти-ҳаракатлари, тафаккур ва ҳатто харак-терида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Бу унинг ҳулқ-атворида намоён бўлиб, бу ўзаро муносабатларнинг бошқа соҳаларини ҳам эгаллай бошлайди. Масалан, кўркүв ва хавф муҳитида тарбияланган одам кейинчалик ҳудди шундай муҳитнинг манбаига айлани-ши эҳтимолдан ҳоли эмас. У ҳатто ўз бола-ларини ҳам шундай муҳитда тарбиялайди ёки оилани ҳам ана шу услубда бошқаради. Боиси, уларда психологик мажруҳлик юзага келган бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, оила дарз кетишининг энг оғир юки нималар бўлаётганини англамай, мўлтирабгина турган митти қорақўзларнинг кичкина елкасига тушади. Энг катта фожиа-миз шу аслида.

ДЕПУТАТ НИМА ДЕЙДИ?

– Ёшларнинг ортиқча ҳой-у ҳавасга ҳирс қўйиши ёки улар ўртасидаги ўзаро меҳр-муҳаббат ва ҳурматнинг йўқолгани ҳам шундай жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда, – дейди **Олий Мажлис Қонун-чилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Муқаддас Ҳасанов**. – Ажрашиш арафасида турган, ажрим қайд этилган оила-ларнинг муаммолари бир-бирига ўхшамай-ди. Аммо ҳар бири ўз ечимига эга, ажримга қадар оилани сақлаб қолишининг имконияти бор.

Таҳлилларга кўра, аксарият ижтимоий хавфли жиноятлар содир этаётган аёллар ва вояга етмаган болалар айнан нотўлиқ оилалардан эканлиги кузатиляпти. Шунин-гдек, бошқа ҳуқуқбузарликлар, одам сав-доси қурбонлари, ноқонуний йўл билан чет давлатларга қўриб кетаётган ёшлар, аёллар, албатта, буларнинг аксарияти асосан ажра-лиш оқибатида юзага келган ҳолатлар нати-жасидан келиб чиқмоқда.

Шунинг учун ҳудудларимизда маҳалла фаоллари, тарғиботчилар томонидан оила-ни мустаҳкамлаш, ёшларнинг бу борадаги масъулятини ошириш юзасидан кўпгина ишлар йўлга қўйилган. Аммо шунга қара-май, унинг дарз кетиши ҳолатлари, яъни, ажримлар ҳам кўп кузатилмоқда. Хўш, қан-дай яшасак оилаларда низолар қамаяди, жамиятимизда бахтли ва соғлом болалар сони ортади? Ажримлар яхши оқибатларга олиб келмаслиги, оила муқаддас қўрғон эканлигини бола онгига сингдиришни мак-табдан бошлашимиз керак, деб ўйлайман. Ёшларни оилавий ҳаётга яхшилаб тайёрлаб бориш зарур. Уларда оила муқаддас қўрғон эканлиги тўғрисидаги тарғибот-тушуни-

риш ишларини бутунлай янгичасига олиб бориш лозим.

ЭНДИ ОИЛА БУЗИЛИШИ ЭРКАКЛАРГА ҚИММАТГА ТУШАДИ (МИ)?

Тўғри, ҳаётимизда бу ҳолатлар қатор дилхираликларга сабаб бўлмоқда. Никоҳ бекор қилинган, унинг қийинчиликлари асосан аёлнинг зиммасига тушади. Ак-сар ҳолларда у яшаб турган уйдан бо-лалари билан чиқиб кетади. Хўш, кейин қаерда яшайди? “Чиққан қиз чигириқдан ташқари”да, дейишади. Тўғилиб ўсган уйи бўлса ҳам, ота уйига сиғмаслиги аниқ. Муаммо ортидан муаммо... Хуллас, ажрашган аёллар ҳам моддий, ҳам маъна-вий қийинчиликлар гирдобига қолмоқда. Ажримдан кейинги энг катта ғавғоларга сабаб бўладиган масала бу – уй-жойдир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ажримдан кейин аёлларнинг турар жой би-лан таъминланиши қафолатланмоқда.

Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувват-лаш тизими такомиллаштирилиши муноса-бати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўз-гартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди. Бу ҳақда Олий Мажлис Сенати матбуот хизмати хабар берди.

Қонундаги нормалар оилавий (маи-ший) зўравонликдан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайта шу каби таъйиққа учраш ҳолатларининг олдини олиш, турар жойга мажбурий тартибда ки-ритиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солади.

“Амалдаги қонунчиликка кўра, оиладаги таъйиқ ва зўравонлик сабаб судга ариза билан муурожаат қилинганда суд эр-хотинни яраштириш учун муайян муҳлат беради. Ушбу берилган муҳлат ичида оилавий низо ва жанжаллар қайта содир этилиши аёл-ларнинг ўз жонига қасд қилишига, уларга етказилган тан-жароҳатлари эса уларнинг бевақф ўлимига сабаб бўлмоқда”, - дейила-ди ҳабарда.

Қонун билан амалиётга жорий этилиши кутилаётган нормаларга асосан суд ишни кўришни кейинга қолдирмай ўз вақтида қарор қабул қилади, бу низоли оилаларда мунтазам зўравонлик ҳолатлари ва оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олади. Хусусан, оилавий зўравонликдан жабрланган шахснинг талабига кўра, суд томонидан ярашиш учун муҳлат тайинла-маслик назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, мазкур қонунга кўра, турар жойдан фойдаланиш ҳақидаги низолар қўриб чиқиляётганда суд тарафларнинг ке-лишувига асосан мулкдорнинг ташаббусига кўра турар жойга мажбурий тартибда кири-тиляётган тарафни мулкдорга тегишли мута-носиб шароитларга эга бўлган бошқа турар жойга киритиш ёки ижарага олинган турар жой учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг зиммасига юклатиши мумкин.

Тўғри, ажримлар сонино нолга туши-риб бўлмайди. Аммо яна бир масала бор. Ажрашиш жараёнида бюрократияга барҳам бериш ҳам муҳим, деб ўйлаймиз. Яъни, айтмоқчимизки, ўз онасини отасининг қал-таги остида, тинимсиз дўппослашларини кўриб катта бўлаётган фарзандлар вояга етаётган оила бўлса, яхшиси, икки томон ҳам ўз йўлидан кетгани яхши. Зўравонлик кимнидир ҳаётига нуқта қўйишидан аввал бу оқилона ечим бўла олади. Ўлим ажрим-дан яхшироқ эмас.

Лекин арзимган гап-сўзлар, масалан, қайнона-келин муносабатлари, мол-дунё, латта-путтани, деб ажрашиб кетишга йўл қўйиб бўлмайди. Имкон ва иложи борича оилани яраштира оладиган кичик можаро-лар бўлса, буни, албатта ижобий ҳал этиш керак. Дарз кетаётган кўрғонни, бўлинаёт-ган болаларни асрашда ҳаммамиз иштирок этайлик!

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



МАРКАЗИЙ БАНК:

200 МИЛЛИОН СЎМЛИК КАФОЛАТ МИҚДОРИ БАНККА УНДАН КЎПРОҚ МАБЛАҒ ҚЎЙИШНИ ТАҚИҚЛАМАЙДИ

МАЪЛУМКИ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 18 ФЕВРАЛИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН “БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЯНГИ ҚОНУН ИМЗОЛАНИБ, ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.



Мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, шу пайтгача амалда бўлиб келган қонунчиликка нисбатан фарқи, ундаги ўзгариш ва янгиликлар нималардан иборат эканлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотгани боис аниқ маълумотларни олиш мақсадида Марказий банкнинг Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти бош иктисодчиси Нурали Холмуродовга мурожаат қилдик.

– Асосий янгиликлардан бири шуки, ушбу қонун билан кафолатланган омонат миқдори битта банкда бир омонатчига 200

миллион сўм этиб белгиланган. Кафолатланган омонат миқдори 200 миллион сўмни ташкил этиши банкка омонатчи ундан кўпроқ пул қўйиши мумкин эмаслигини аңглатмайди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 35 дан ортиқ тижорат банки борлиги ҳисобга олинса, битта шахс, яъни, 200 миллион сўмдан ҳар битта банкка омонат қўядиган бўлса 7 миллиард сўмдан ортиқ кафолатланган омонат жойлаштириш мумкинлиги ойдинлашади ва омонатларни йўқотиш рисксининг ўзига хос диверсификацияси вужудга келади.

Маълумот ўрнида яна шунга айтиш мумкинки, ушбу талаб қонун кучга киргандан кейин жойлаштирилган янги омонатларга нисбатан қўлланилади. Агарда сизнинг банкларда янги қонун кучга киргунга қадар қўйган муддатли ёки жамғарма омонатингиз бўлса, омонатларингиз миқдоридан қатъи назар тўлиқ кафолатланади.

Жамоатчиликнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида қонун билан нафақат жисмоний шахсларнинг, балки юридик шахслар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг омонатлари ҳам кафолатланади.

Аҳоли омонатларининг ҳажми таҳлил қилинганда, 99,7 фоиз омонатчиларнинг омонатлари 200 миллион сўмдан ошмаслиги аниқланган. Яна шунга таъкидлаш жоизки, кафолатланган омонат миқдорининг чекланиши банкларни омонатлар бўйича жавобгарликдан озод этмайди, яъни, омонатчилар омонатининг кафолатланган миқдоридан ошадиган қисмини ҳам банкдан талаб

қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ҳозирги вақтга келиб дунё мамлакатлари омонатларни тўлиқ кафолатлаш амалиётидан воз кечмоқда. Омонатларни тўлиқ кафолатлаш тизими давлатлардан фақат Туркменистон ва Беларусда мавжуд. Ўзбекистонда аҳолининг банкдаги омонатларини суммасидан қатъи назар тўлиқ кафолатлаш тизими 2008 йилдаги жаҳон молиявий инқирозига қарши комплекс чоралардан бири сифатида жорий қилинган эди.

Шу ўринда кафолатланган омонат миқдори нима учун зарур, деган савол туғилиши табиий. Бу янги қоидалар омонатчиларни ҳимоя қилиш учун зарурдир. Агар банк тугатилса, омонатчилар ўз маблағларини қайтариб олиши мумкин бўлади. Шу билан бирга, ўрнатилган кафолат ҳажми (200 миллион сўм) омонатчиларни фақат юқори фоизлар учун эмас, балки банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаб, уларни онгли равишда танлашга ҳам ундайди.

Қолаверса, бу банкларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлайди, улар бозорда юқори рискли ва фоиз ставкали депозитлар билан эмас, балки ишончлилиқ ва барқарорлик орқали рақобатлашиши керак бўлади.

Бундан ташқари, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди негизда Омонатларни кафолатлаш агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, агентлик маблағлари етарли даражада бўлишини таъминлаш мақсадида уларни юқори ликвидли активларга

инвестиция қилиниши мумкинлиги ҳам белгиланган.

БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, АГАРДА КИМДИР КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАБ БЕРИШ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТ ИЧИДА ЎЗ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШГА УЛГУРМАГАН БЎЛСА ҲАМ ХАВОТИРГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ, ЯЪНИ, ЎЗ ПУЛЛАРИНИ АГЕНТЛИКДАН ИСТАЛГАН ВАҚТДА ҚАЙТАРИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН БЎЛАДИ. ҚОНУННИНГ ЯНА АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИДАН БИРИ ШУКИ, БАНК ЁПИЛГАНДА ОМОНАТЛАРНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИШ ҲОЗИРГИДАЙ УЗОҚ ВАҚТ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИ, ОМОНАТЛАРНИ КЕЛГУСИДА 7 ИШ КУНИДА ҚАЙТАРИШ АМАЛИЁТИ КИРИТИЛМОҚДА.

Умуман олганда, пуллари банкда сақлаш, уларни уйда сақлашдан анча хавфсиз ва манфаатлидир. Зеро, мамлакатимиз банк тизими барқарор ривожланмоқда, капитал ва ликвидлилиқ ҳолати халқаро талабларда белгиланганидан кўра юқори кўрсаткични ташкил этмоқда.



ҲАМКОРИМИЗ



ЕР ЮЗИ МИҚЁСИДА СУВ ТАҢҚИСЛИГИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ГЛОБАЛ ТУС ОЛАЁТГАНИ БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМ. ШУ БОИСДАН ҲАМ БУ МУАММО ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. ЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, 2050 ЙИЛГА БОРИБ ДУНЁДА 5 МИЛЛАРДДАН ОРТИҚ ОДАМ У ЁКИ БУ ДАРАЖАДА СУВ ТАҢҚИСЛИГИДАН АЗИЯТ ЧЕКАР ЭКАН.

Ушбу ҳолат Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Мутахасссларнинг ҳисоб-ки-тобларига кўра, 2050 йилгача сув ресурслари Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Бошқа томондан эса аҳолининг ўсиши ҳисобига Ўзбекистонда 2030 йилга бориб, сувга бўлган талаб 7 миллиард куб метрга етиши, 2050 йилга бориб эса бу кўрсаткич икки баробарга ортиши мумкин.

Бундай шароитда республика-миздаги мавжуд сувлардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш борасида “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан “2024 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда 2025 йилда ўз ечимини кутаётган масалалар” мавзуида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълумот берилди.

Хусусан, тадбирда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида 2024 йилда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 77,4 фоиздан 80,9 фоизга кўтарилгани ҳамда мақсадли давлат дастурлари доирасида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сув хизматларини яхшилаш бўйича 454 та объектада 1 817 км ичимлик ва 294 км оқова сув тармоқлари тортилгани таъкидланди.

– 2024 йилда барча лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида республика-мизда 1,7 мингдан ортиқ маҳалладаги 1,1 миллион аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 2,9 миллион аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ раиси ўринбосари Хуршид

“ЎЗСУВТАЪМИНОТ” АЖ: АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНГАНЛИК ДАРАЖАСИ 80,9 ФОИЗГА КЎТАРИЛДИ



Раҳматуллаев. – Марказлашган ичимлик суви билан таъминланган 1 134 та аҳоли яшаш пунктига сув таъминоти корхоналарига тегишли 214 та ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга тегишли 1 112 та махсус сув ташиш техникаси орқали ичимлик сувини узлуксиз етказиб бериш таъминланди. Андижон ва Хоразм вилоятлари аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 92 фоизга етказилди.

Бундан ташқари, йирик лойиҳалардан бири бўлган “Тўпаланг” сув омбори манбалари ҳисобига ичимлик суви таъминоти яхшилаш” лойиҳаси доирасида 1,8 триллион сўм маблағ ҳисобига 153 км тармоқ тортилди, Сарисийё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларида истикомат қилувчи 156 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва сифати тубдан яхшиланди. Қолаверса, халқаро молия институтлари лойиҳалари асосида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, 2024 йилги Инвестиция дастурига кўра, 22 та лойиҳа доирасида 14 та йирик сув иншоотида жами

525 км ичимлик ва оқова сув тармоғи қурилди.

Маълумот ўрнида яна шунга айтиш мумкинки, 2024 йилда истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва шаф-фоглигини ошириш мақсадида “Uzwater” ягона биллинг тизими такомиллаштирилиб, бир нечта вазирлик ва идоралар билан ўзаро интеграция қилинди. Натижада 2020 йилда 15 фоиз истеъмолчилар тўловларни онлайн тарзда амалга оширган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 84 фоизга етказилди.

– Тизимда истеъмолчилар билан ишлашни такомиллаштириш ҳамда соҳадаги коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “инсон омилсиз” рақамлаштирилган КРІ тизими жорий этилди, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов. – Бугунги кунда соҳадаги 2,5 минг нафар назоратчи ходимнинг иш самарадорлиги мазкур КРІ тизими орқали баҳолиниб келинмоқда. Соҳа бўйича келиб тушаётган мурожаатларни тезкорлик билан ўрганиш учун “SuvniAsra” тизими жорий қилинган ва у орқали мурожаатчиларга истаган жойидан

хабар бериш имконини берувчи мобиль илова яратилди. Шунингдек, @suvnammobot telegram боти орқали мурожаат қолдириш имкони ҳам мавжуд. Қолаверса, аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаш мақсадида “Suvta'minot Vodossabjaniye” (uzsuv_chat) телеграм чати ҳамда соҳада коррупцион ҳолатлар юзасидан мурожаатларни қабул қилиш учун алоҳида telegram-bot (@uzsuvantisouppuptionbot) фаолияти доимий йўлга қўйилган. Шу билан бирга, 24/7 режимида ишлайдиган 12-55 қисқа рақамли “Ягона call-маркази” фаолияти янада такомиллаштирилмоқда. 2024 йил давомида call-марказга 137,1 минг мурожаат келиб тушган, шундан 87 фоизи ижобий ҳал этилган, 13 фоиз мурожаатлар эса назоратга олинган.

Шундан сўнг анжуманда журналистлар мавзу юзасидан “Ўзсувтаъминот” АЖ раиси ўринбосари Хуршид Раҳматуллаевга қуйидаги саволлар билан юзланди.

– Республика-миз миқёсида ичимлик ва оқова сув учун ягона нарх жорий қилиш режалаштирилаяптими?

– Аҳоли-мизда бундай савол пайдо бўлиши табиий. Чунки, республика бўйича электр энергияси ва газ тарифлари ҳамма ҳудудларда бир хил. Бизда эса ҳар хил. Вилоятлардаги нархлар ҳар хиллигининг сабаби, сув етказиб бериш манбалари ва улардаги ишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқ. Мисол учун, Хоразм ва Қорақалпоғистонда 50 – 100 метрдан сув чиқади. Лекин сув шўр ва қаттиқлик даражаси юқори. Шу сабабли уни ичимлик сувига айлантириш харажатлари қиммат. Тошкент шаҳрида сув Чорвоқдан ўзи оқар тарзда келади ва филтрланиб, аҳолига етказиб берилади. Водий вилоятларида эса сувни 300–400 метрдан қазиб чиқаришга тўғри келяпти. Насосга сарфланадиган электр энергия ва бошқа харажатлар учала вилоятда ҳам турлича ҳисоб-китоб қилинади. Шу каби сабаблар вилоятлардаги тарифлар ҳар хил бўлишига олиб келган.

Шундай бўлса-да, ҳозирда ичимлик ва оқова сув учун республика бўйича ягона тарифни жорий этишга тайёргарлик қўрилмоқда.

– Айни пайтда аҳоли хонадонларига сувдан қарздорлик борлиги ҳақида қозғ олиб бориш ва тўловни амалга оширишни талаб қилиш қонуний ҳисобланадими?

– Албатта йўқ. Чунки ичимлик сувига фақат расмий электрон тўлов воситалари орқали маблағ ўтказиш лозим. 2024 йил 1 декабрдан бошлаб нақд пулда назоратчилар томонидан тўловларни йиғиш тўхтатилган. “Ўзсувтаъминоти” АЖ нақд пул шаклида амалга оширилган тўловлар ортидан қарздорлик ўчирилишига кафолат бермайди. Бу жараёнда абонентлар ҳушёр бўлиб, тўловларни фақат электрон шаклда амалга оширишлари лозимдир.

Агар кимдир назоратчи сифатида ўзини таништириб, ноқонуний тўловларни амалга оширишни сўраса, бундай ҳолатларда ишонч телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, масъулларни хабардор қилиш сўралади. Ташкилотимиз бундай ҳолатларни текширишга ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олишга тайёр.

Тадбир якунида соҳадаги ислохотлар изчил давом эттирилиши таъкидланиб, 2025 йилда амалга оширилаётган долзарб вазифалар ва чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайерлади.

АВСТРАЛИЯ МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН БЎСАҒАСИДА



Австралия— Жанубий ярим шардаги давлат бўлиб, худди шу номдаги материк, Тинч ва Ҳинд океанларига яқин оролларда жойлашган. Расмий номи - Австралия Иттифоқи. Бутун қитъа ҳудудини эгаллаган дунёдаги ягона мамлакатда фасллар Шимолий ярим шардагига тескари. Яъни, декабрдан февралгача ёз, мартдан майгача куз, июндан августгача қиш, сентябрдан ноябргача баҳор фасли ҳукм суради.

МОНАРХ, СЕНАТ ВА ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИДАН ИБОРАТ ПАРЛАМЕНТ

Австралия — Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи федерал давлат. Амалдаги Конституцияси 1901 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — Буюк Британия қироли (қироли-часи), генерал-губернатор унинг вакили ҳисобланади.

Парламент Австралия Иттифоқининг энг юқори қонун чиқарувчи органидир. Конституцияга биноан мамлакат парламенти уч қисмдан Монарх, Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат.

Вакиллар палатасида ҳозирда 150 нафар депутат бор, улар уч йилдан ошмайдиган мослашувчан ваколат муддатига сайланади. Мажоритар сайлов тизими асосида сайланадиган депутатларнинг палатадаги ўринлар сони аниқ белгиланмаган ва ўзгариши мумкин. Масалан, 1993 йилги парламент сайловлари натижаларига кўра, палата 147 ўринга, 1996 йилда 148 ўринга ва 2001 йилда 150 ўринга эга эди.

Парламентнинг юқори палатаси Сенат 76 аъзодан ташкил топган бўлиб, ҳар бир штатдан пропорционал сайлов тизими бўйича 6 йил муддатга сайланади. Бирок, ҳар уч йилда Сенат таркибининг ярми янгиланади. Австралиянинг ҳар бир штати ўз Конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга. Бирок, штатларнинг ҳуқуқлари чекланган.

ҚАРИЙБ ЯРИМ АСР МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ИНШООТ ҚУРИЛИШИ

1927 йилгача депутатлар Мельбурнда фаолият юритган. Пойтахт барпо этилгандан кейин эса бошқарув органи учун вақтинчалик жой ажратилган. Парламент биноси аниқ қаерда жойлашиши тўғрисидаги деярли 50 йиллик тортишувлардан сўнг яъни, 1981 йилда бу масалага нукта қўйилиб, янгисини қуриш ишлари бошланган. Бёрли-Гриффин қули яққол кўриниб туриши учун аввалига эски парламент биносини бузиш режалаштирилган. Аммо кейинчалик лойиҳа қайта кўриб чиқилган ва тарихий ёдгорлик сақлаб қолиниб, парламент музейига айлантирилган. Мамлакат пойтахти Канберрада 32 гектар ҳудудда бунёд этилган янги мажмуа, аниқроғи иншоотнинг ўзи эмас, балки Австралия байроғи ўрнатилган ва зангламайдиган пўлатдан ясалган улкан устун шаҳарнинг деярли барча бурчагидан кўриниб туради. У шундай лойиҳалаштирилганки, узокдан қаралганда, эски парламент биноси устида барпо этилгандай туюлади.

ЕТАКЧИ ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИ

Австралия сиёсий маданиятида коалиция (Либерал ва Миллий партиялар) ўнг марказ, Лейбористлар партияси эса ўзини

социал-демократлар, дея таснифлагани боис чап марказ ҳисобланади. Квинсленд билан бирга Ғарбий Австралия ва Шимолий ҳудуд асосан консерватив ғояларга таянади. Виктория, Жанубий Австралия, Тасмания ва пойтахт Канберра ҳудудида ижтимоий-либерал ташаббуслар кўлаб-қувватланади. Янги Жанубий Уэлс сиёсий жиҳатдан ўртамеёна штат сифатида баҳоланади.

Мамлакатда сўнгги федерал сайловлар 2022 йилнинг май ойида ўтказилган. Унинг натижаларига кўра, ҳукумат тепасидаги Либерал ва Миллий партиялардан ташкил топган коалиция парламентдаги ўрнини сезиларли даражада йўқотгач, Бош вазир ва либераллар етакчиси Скотт Моррисон мағлубиятни тан олиб, ўз лавозимини тарк этганди.

2013 йилдан буён муҳолифатда бўлиб келган Лейбористлар партияси эса аксинча, 77 та ўрин билан ғалаба қозонган. Парламентда кўпчилик бўлиш учун 151 ўриндан 76 тасини эгаллаши лозимлигини инобатга олганда бу сўл марказ тарафдорларининг катта ютуғи бўлган ва партия етакчиси Энтони Альбанезе Бош вазир лавозимини эгаллаган.

Мазкур партия давлатнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётга аралашувини фаол кўллаб-қувватлайди. Шунингдек, давлат жамиятнинг барча аъзолари учун асосий даромадлар ва "муносиб турмуш даражаси", юқори сифатли ва арзон уй-жой, таълим ва тиббий хизматни таъминлаш юзасидан ташаббусларни илгари суради.

АВСТРАЛИЯ ТУБ АҲОЛИСИНING ОВОЗИ

47-парламент фаолияти Australian Indigenous Voice – Австралия туб аҳолисининг овози кампанияси билан ажралиб турди. 2017 йилда илк бор илгари сурилган мазкур тақлиф қитъанинг маҳаллий халқлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганди. Яъни, Торрес бўғози ороларида истиқомат қилган халқлар ҳамда туб аҳоли вакилларининг қонунларни қабул қилишдаги таъсирини кучайтириш назарда тутилган. Бунинг учун Конституцияга ўзгартириш киритиш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, референдумга қўйилган. Ташаббус жамоатчиликлари томонидан кенг муҳокама қилинган ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Бирок, 2023 йилнинг октябрида бўлиб ўтган референдумда қатнашган сайловчиларнинг 60 фоизи унга қарши овоз берган. Чунки кўпчилик Конституцияда барча халқларнинг манфаатлари бирдек талқин қилиниши ва амалдаги бош қонун бунга тўла жавоб бериши нуктаи назаридан ёндашган.

БЎЛҒУСИ САЙЛОВЛАР ЯҚИН

Австралияда навбатдаги сайловлар жорий йилнинг май ойида ўтказилади. Мамлакат ҳукумати раҳбари Энтони Альбанезе бўлажак парламент сайловларида

бошқарувчи партия етакчиси сифатида иккинчи муддатга қайта сайланиш нияти борлигини маълум қилди. Агар лейбористлар яна муваффақият қозониб, Альбанезе сайловлардан сўнг ўз лавозимини сақлаб қола олса, сўнгги 20 йил давомида иккинчи муддатга ҳукумат раҳбари курсисига ўтирган биринчи Бош вазир бўлади. Боиси 2004 йилдан бери сайловлар натижаларига кўра, ҳар 3 йилда ҳукумат раҳбари ўзгариб келмоқда. Ўз навбатида муҳолифат етакчиси Питер Датон бошчилигидаги Либерал-Миллий коалиция ҳам бир муддатлик танаффусдан сўнг бошқарувга ўтишга ҳаракат қилиш нияти бор.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, узок вақтдан бери биринчи марта Австралиядеги сайлов кескин ва кучли рақобат муҳитида ўтиши мумкин. Ҳал қилинмаган қатор муаммолар туфайли ҳукмрон партиянинг ўз ўрнида қолиши осон бўлмайди. Мамлакатда уй-жой инқироби кучайиб, инфляция даражаси ўсиб бормоқда. Рақобатчи партиялар сўнгги вақтларда сўл қанот муаммоларини таъкидлаб, фаол танқид қилмоқда. Бунга жавобан Лейбористлар австралияликларнинг ҳаётини яхшилаш бўйича улкан режани тақдим этди. Бош вазир партияси сайловли платформасида инвестициялар ва ёш мутахассисларни тайёрлаш дастурлари орқали қурилиш соҳасини кўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратган. Ушбу ташаббус ишсизликни камайтириш учунгина эмас, балки қитъа-мамлакатнинг қурилиш соҳасидаги малакали кадрлар тақчиллигини енгиб ўтишга ҳам қаратилган. Бирок сайловли кампанияси даврида иқтисодий омиллардан ташқари, бошқа долзарб масалалар ҳам кун тартибига чиқмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда материкда маданий қарама-қаршиликлар ўсиб бормоқда. Масалан, 26 январь - Австралия кунларида барча оммавий ахборот воситаларида қитъанинг илк кашфиётчиларидан бири британиялик капитан Кук ёдгорлигига ҳурматсизлик қилингани ҳар тарафлама таҳлил этилди. Гап шундаки, Австралия кунлари мамлакатнинг аксарият аҳолисига Европа мустамлакаси даври ва туб аҳоли вакилларининг қувғинини эслатади. Амалдаги ҳукумат тарихни ҳурмат қилиш муҳимлигини таъкидлаган ҳолда мурса излаш тарафдори эканлигини ва ўрнатилган аънаваларни қайта кўриб чиқишга тайёрлигини билдирган. Либерал партия эса аксинча, аънаваларни ҳимоялашга уринмоқда.

Ижтимоий сўровлар ҳозирча партиялар рейтингда кичик фарқ борлигини кўрсатмоқда. Жамоатчиликнинг 49 фоизи сўл марказ партияси позициясини кўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, Иттифоқдаги муҳолифат партияларнинг ҳам яхши кўрсаткичларга эришиш имконияти бор. Шу сабабли ҳам сайловлар мурсасиз ўтиши кутилмоқда. Унинг натижалари эса нафақат ички, балки Канберранинг ташқи сиёсатига ҳам таъсир кўрсатади.

Хуршидабону НАЗАРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири

ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

ГЕРМАНИЯДАГИ САЙЛОВЛАРДА КУТИЛГАН НАТИЖА ҚАЙД ЭТИЛДИ



Германияда ўтказилган 2025 йилги парламент сайловларида Христиан-демократик иттифоқи Христиан-социал иттифоқ (ХДИ/ХСИ) консерватив блоки 28,5 фоиз овоз билан биринчи ўринни эгаллади.

Иккинчи ўринни 20,8 фоиз овоз билан «Германия учун альтернатива» (AfD), учинчи ўринни 16,4 фоиз натижа билан амалдаги канцлер Олаф Шольцнинг Социал-демократик партияси (СДП) эгаллади.

Шунингдек, «Яшиллар» (11,6 фоиз) ҳамда Сўл партия (8,7 фоиз) кейинги ўринларни банд этди. 2023 йилда ташкил этилган «Сара Ваген-нехт иттифоқи» партияси 4,9 фоиз овоз тўплаб, парламентга кириш учун беш фоизлик тўсиқдан ўта олмади.

ШАНХАЙДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Шанхай ҳукумати 2025 йилда туризм соҳасини юқори даражада ривожлантириш учун 3 йиллик ҳаракатлар режасини тақдим этди. Ҳужжат 6 йўналишни қамраб олган бўлиб, халқаро даражадаги тематик хиёбонлар, круиз туризм зонаси ва экотуризм марказини яратиш, шунингдек, маданият ҳамда сайёҳлик интеграциясини чуқурлаштириш кўзда тутилган. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда Шанхайга ҳар йили ташриф буюрадиган сайёҳлар сони 300 миллиондан ошган. Ой тақими бўйича аънавий Хитой янги йили нишонланиши муносабати билан Шанхай 17,78 миллион сайёҳни қабул қилди. Йиллик таққослаганда бу 6,08 фоизлик ўсишдан далолат беради.

APPLE АҚШДА ЯНГИ ЗАВОД ҚУРАДИ



Apple компанияси келгуси тўрт йил ичида Қўшма Штатларда ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 500 миллиард доллардан ортқ сармоя киритиш ниятида эканини эълон қилди. Ушбу инвестиция пакети доирасида Apple ҳамкорлари билан биргаликда Хюстонда Apple Intelligence тизими учун серверлар йиғиладиган янги замонавий ишлаб чиқариш корхонасини очади.

Компания Қўшма Штатлардаги илғор ишлаб чиқариш фондини икки баробарга оширади. Ҳозирги вақтда Apple мамлакат бўйлаб 2,9 миллиондан ортқ одамни иш билан таъминлаган. Хюстондаги серверлар ишлаб чиқариш корхонаси йил сўнггида иш бошлаши кутилмоқда. 250000 квадрат метрлик янги цехда яна минглаб иш ўринлари яратилади.

МИСРДА ФИРЪАВННИНГ ЯНГИ САҒАНАСИ ТОПИЛДИ

Археологлар фиръавн Тутмос II нинг даҳмасини топишди. Доктор Пирс Литерланд бошчилигидаги Британия — Миср жамоаси томонидан аниқланган қабр Шоҳлар водийси, деб аталадиган ҳудуднинг ғарбий қисмида, Луксор яқинида жойлашган.

Қадимги Мисрнинг XVIII сулоласи ҳукмдорларидан бири бўлган подшо Тутмос II нинг сўнгги қароргоҳи қаердалиги юзасидан ҳатто тахминлар ҳам шу вақтга қадар ноаниқ эди. Мисрнинг Туризм ва қадимий ёдгорликлар вазирлиги ушбу топилмани сўнгги йиллардаги энг муҳим археологик кашфиётлардан бири дея баҳолади.

Таъкидлаш жоизки, Қадимги Мисрда, Янги подшолик даврида ҳукм сурган XVIII сулоланинг 11-фиръавни Тутанхамоннинг қабри топилганига бир асрдан кўпроқ вақт ўтди.

Эълон

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидаги хизматлар учун танлов эълон қилади:

- Марказий Кенгашнинг мажлислар залига қўшимча ёритиш чироқларини ўрнатиш;
- Бинонинг кириш қисми ромларини алмаштириш ва том қисмида таъмирлаш ишларини амалга ошириш, шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш;
- 200 дона “Ўзбекистон Халқ демократик партияси ифтихори” кўкрак нишонини тайёрлатиш ва харид қилиш.

Тижорат тақлифлари 2025 йил 12 март кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

ИЗОҲ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар амалга ошириладиган хизматларнинг таснифларини (71) 239-19-73 телефон рақами орқали маълумот олишлари мумкин.

MUASSIS:	O'zbekiston Ovozi	Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA	Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
	TAHRIR HAY'ATI:	MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	Ulug'bek INOYATOV Ulug'bek VAFOYEV Maqsuda VORISOVA Qalandar ABDURAHMONOV	Gulliston ANNAQILICHEVA Muslihiddin MUHIDDINOV Olim RAYSHANOV Toshtemir XUDOYQULOV	Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
		Телефонлар: (71) 239-12-14 Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru	Г — 237. 1815 nusxada bosildi. O'z'a yakuni — Topshirilgan vaqti — 22:45
		«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.	Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari
		Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	1 2 3 4 5 6 Sotuvda kelishilgan narxda